

# Абай

*Шеърлар  
ва поэмалар*

№ 24320  
282

|      |          |
|------|----------|
| 1970 | ГБ УзССР |
|      | 54178    |

*Ғафур Ғулом номидаги  
адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент—1970*

Абай Қунанбой ұғли  
қардош қозоқ халқининг  
буюк шоири ва фахридир.  
Абай энг қоронғу  
бир замонда дунёга келди  
ва оғир изтиробли  
бир ҳаёт гувоҳи бўлди.  
У буюк сўз устасидир.  
Унинг асарларида  
ўтмиш аср лавҳалари,  
қозоқ ҳаёти гўё кўзгуда  
кўрингандай аниқ кўринади.  
Абай асарлари  
жуда кўп тилларда  
жарангламоқда.

Тўлдирилган,  
тузатилган  
иккинчи нашри

## Ўлан

Ўлан — сўзнинг пошносн, сўз сараси,  
Қийиндан қийинштирар эр доноси,  
Тилга енгил, юракка илтиқ тегиб,  
Теп-текис, силлиқ келсин айланаси.

Сараланмай, булганса сўз ораси,  
Бу — оқиннинг билимсиз, бечораси.  
Ҳам оқин, ҳам тингловчи кўпи нодон,  
Сўз танимас бу юртнинг бир пораси<sup>1</sup>.

Сўз боши аввал ҳадис, оят бўлур,  
Шираси ҳам маъносн гоят бўлур.  
Пайғамбар ҳам сўзини ўлаи қилган;  
Ўлан айтай, шоядки кўнглим тўлур.

Ўландай хутба ўқир кекса мулло,  
Ўлан айтиб йиғлаган валиюлло,<sup>2</sup>  
Ҳамма ҳам чамасича ўлан ўқир,  
Ўлан билан ёзилган калимулло<sup>3</sup>.

Ўланга ишқимиз бор қадим чоқдин,  
Лекин қандай наф бўлар мақтанмоқдин!

---

<sup>1</sup> Бир пораси — бу ўринда бир бўлагн маъносн-  
сида.

<sup>2</sup> В а л и ю л л о — оллонинг валиси.

<sup>3</sup> К а л и м у л л о — оллонинг сўзи, кптоби,  
қуръон.

Ичи зар, сирти кумуш сўз яхшисин —  
Келиштирар ким ҳам бор мўл қозоқдин?..

Сўзни чорлиб сўзласанг ҳар ким сийлар,  
Мақол қўшиб сўзларкан кекса бийлар.  
Оқинлари беақл, нодон экан,  
Бекор сўзни тегидай нуқул ийлар.

Қўлида ҳам қўбизил, ҳам дўмбира,  
Ҳаммага махтов ўқир, қўймас сира.  
Улаи айтиб хайр тилар элни кезиб.  
Сўз қадрини ерга урар, бўлиб хира.

Мол учун сўзни безар, виждон сотар,  
Мол учун бўйин эгар, молдай ётар.  
Мол учун ҳам алдайди, ҳам аврайди,  
Э, худо, шу оқинлар қачон қотар?

Бойларини махтай бериб сўз қолмапти,  
Улаи айтиб, мол йиғиб, бой бўлмапти.  
Улаининг қадри кетди эл ичида,  
Қадрини кеткизганлар йўқолмапти..

Кекса бийдек мақолга бурмагайман,  
Ё оқиндек хайр тилаб юрмагайман.  
Сўзим — ўзга, тингловчи сен ҳам тузал,  
Беҳуда гапдан суҳбат курмагайман.

Эл чопган ботирлардан сўйлаб берсам,  
Ошиқлар, маъшуқлардан куйлаб берсам,  
Алчайин ҳангома деб тинглардингиз,  
Сўзларнинг сарасини сўйлаб берсам...

Аммо, ақл чақирилмаган меҳмон эмиш,  
Ақли борга бувидай умр зиндон эмиш..

Кечяриг, подонларга тегиб ўтсам,  
Бу элда тўғри айтган ёмон эмиш...

Тўғри сўзлик ўланам ўзинг кўркам!  
Майли, татимаса ҳам сўйла бардам!..  
Бу юрт сўз ошиғимас мола ошиғи,  
Розиман, мингдан бири тушуяса ҳам...

Ўзи билан ёвлашган юртим, тингла!  
Ўзи билан довлашган юртим, тингла!  
Дардингга даво бўлсин ўланларим,  
Бир-бирини овлашган юртим, тингла!

Наҳот сенда қолмаган номус ва ор?  
Наҳот номус ва инсоф эмас даркор?  
Теран ўй, теран илм йўлинг очсин,  
Ёлгон ўлан ва сўздан олам безор...

Гўдак учун бешиги — каттакон олам,  
 Онасининг оқ кўкси — жонажон олам;  
 Кенг саҳро ҳам тор келар улғайганида,  
 Утовидай кўринар бепоён олам.

1880.

## бургутчи

Қор ёққанда бургутчи чиқар овга,  
Тошдан тулки топилар пойлаганга.  
Яхши от, тотув йўлдош — бир ранимат,  
Яхшидир ихчам кийим овчи одамга.

Бирданига йўликса тулки изи  
Ахтариб овчи ҳарён кўз солганда.  
Бургутчи тоғ бошида, қўлда бургут  
Кетган изини синчиклаб пайқаганда.

Тумағини бургутчи бошдан олар,  
Қирон қуш кўзи кўриб интилганда.  
Наст учсам тулки ўрлар, қутулар деб,  
Учади кўз ўйнатиб тик осмонга.

Кўриб, тўхтаб қолади қочган тулки  
Қутулмасин билган-чун бўш қочганга,  
Оғзин очиб қақақлаб, тишин қайраб,  
У ҳам кураш қилади чивин жонга.

Қизиқар шунда овчи, завққа тўлиб  
От қўяр қарамай ҳеч йиқилганга.  
Қирқ пичоқ-ла гижиниб турган тулки,  
У ҳам ўнгай ёв эмас, зўр қиронга.

Саккиз пайза қўлида кўз олмасдап  
Ботир ҳам ташланади у қурбонга.  
Қанот, думи шувиллаб ишқиради,  
Кўкдан қирон яшпидай қуйилганда.

Ярқ-юрқ этвб иккови олпшади.  
Якка ботир чиққандай жанг майдонга,  
Бири ҳаво, бири ер ёввойиси,  
Одам учун ботишар қизил қонга.

Қор — оппоқ, бургут — қора, тулки — қизил  
Ўхшайди гўзал сулда чўмилганга.  
Қора сочин кутариб икки бармоқ,  
У ҳам билқ-билқ этмасми сийлагаанда.

Оппоқ эт, қиш-қизил бет яш-яланғоч,  
Қора соч қизия юзни яширганда  
Куёви эр, қайлиғи гўзал бўлиб,  
Яна ўшар тор тўшақда ётпшганга.

Яғрини орқасидан билқиллайди,  
Қирон букилиб остига дал босганда.  
Қуши ҳам эгасига хўрозланар,  
Олтмиш икки ҳийлали сайд олганда.

Овчининг чеҳрасига шодлик чиқар.  
Тулкани қанжиғага бойлаганда.  
Силкиб кийиб тумани, ҳам носвойни  
Бир отасан дилга шодлик жойлаганда.

Тогдан жийда тергандай ола берса,  
Бир яшайсан хуморинг ҳар қонганда.  
Кўнглида йўқ ҳеч қандай ёмон ният,  
Ов бўлади кепгашинг, қуш солганда.

Ҳеч кимга эпёни йўқ ўзим кўрган,  
Хўб, қизик иш экан бу шум дунёда.  
Сезгиси чуқур ҳамда ақли борга  
Бари аниқ кўринар ўйлаганда.



Уқмассан устин қараб ўта берсанг,  
Суратин кўролмассан кўп боқмасанг.  
Кўланкаси тушади тез кўнглингга  
Ҳар сўзини бир ўйланиб салмоқласанг.

Йигитлар, бу сўзининг ҳеч маъносини,  
Билолмассан қуш солпб завқ олмасанг.  
1882.

Ярқироқ оқ кумушдай кенг мағлайли,  
 Жон олгич қора кўзи нур яинайди.  
 Ингичка қора қоши чишиб қўйган  
 Биргина ўхшатаман тукқан ойинг.

Манглайдан тўғри тушган қирра бурун,  
 Нурли юз, қирмизи бет, тил бойлайди.  
 Лаб очса, кўринади инжу тиши,  
 Худди қўлда тизгандай... ич қайнайди.

Сўзлари кўп одобли ва маъноли,  
 Куйласа боғда булбул сайрагандай.  
 Товланган оқ шоҳидай томоғи бор,  
 Бир кўрсанг кўнглинг тамом айрагандай.

Яғрини тахтакашдай, елкаси тик,  
 Қўш олма гавдасида қийшаймайди.  
 Чиройли — узун эмас, қисқа эмас —  
 Нозик бел, тол хиличдай буронглайди.

Ёш боланинг билагидай билаги бор,  
 Ажинсиз оқ бармоқлар ишга чевар,  
 Суибул қора сочи бор ипак толли,  
 Бир кўргач ҳар қандай кўз уни севар.

Қандай қизда лаззат бор жон тотмаган?!  
 Гўзали бу замоннинг тек ётмаган.  
 Ўн саккиз-ўн тўққизга келгандан сўнг,  
 Олмаси ўпка бўлар қўл ботмаган.

Буларнинг гоҳ бирининг миназлари —  
Ҳеч нарса кўрмагандай буртонглайди,  
Гоҳ бири содда, очиқ бўламан деб,  
Ўринсиз одамлар-ла, жиртанглайди.

Аввалдан гўзал ҳоли бизга маълум.  
Юрт ёклаган йигитни қиз мақтайди.  
Гоҳ йигит орсизларча уялмасдан,  
Ўқўли етмас нарсага тиртонглайди.

Ўринли ишга юриб ўй топмаган,  
Эпин топиб меҳнат-ла, мол боқмаган.  
Хосиятли бўлмайди ундай йигит,  
Анчайин бекор юриб лақиллаган.

1884.

Ёшлиқдан билим излаб югурмадим;  
Хайрин билдим, бироқ, юз ўргулмадим.  
Улгайганда қарасам кўлим қуруқ,  
Кечикиб қўл чўздиμου, улгурмадим.

Билимса қолганимга ким гуноҳкор?  
Изласам бўлармидим мунчалик хор?  
Одамзод тасаллиси фарзанд экан,  
Фарзандимни билимга қўймадим зор...

Мадрасага бердим мен адаб учун.  
Билим учун, наинки, мансаб учун!  
Ўзим ҳам юксакларга қанот қоқдим,  
Айб бўлмас орзу учун — талаб учун...

Ким айтар: ёмон бўлдим, йўлдан қайтдим?  
Қозоққа ширин-ширин ўлан айтдим;  
Ўланда ҳеч ким менга тенг келмади,  
Лекин, қадрим тополмай, ўксийман жим...

1885.

Қаридик, тамга ботдик, уйку сергак,  
 Аччиениг худди захар, ўйинг кўлмак,  
 Дардлашининга кини йўқ сўа уқарлик,  
 Ким кўнглини кўтариб бўлар эрмак.

Бил — қарир, йўқ — тугилар, тугилган —  
 ўлар,

Тақдир йўқ, ўтган умр қайтиб келмас;  
 Босган из, кўрган қизиқ қола берар,  
 Бир худодан бошқанинг барп ўзгарар.

Мард иши ақлга кирмас бўйни ептар,  
 Хунарсизининг қилиғи чала кўрар.  
 Чин ўйламай берилиб бир иш қилмай,  
 Эришчак оқибатда кўлга кўнар.

Ёмонлар қилолмайди ҳилол эмгак,  
 Фарлик, ўғирлик қилиб кулар тоза,  
 Ҳаром ишдан ёмонлик кўрмай қолмас,  
 Минг кун синамас, бир кун синар кўза.

Одамзод тирикликни давлат билсин,  
 Ақл топсин, мол топсин, ҳалол юрсин.  
 Икковининг бири йўқ овул кезиб,  
 Хўр бўлиб, бекорга кун ўтказмасин.

Нодонлар бўш сўзларга қулоқ солар,  
 Чин сўзнинг пайдасидан четда қолар.  
 Рост сўзнинг ҳеч билмайди хосиятин,  
 Чинни қўйиб, йўқ сўздан лаззат олар.

Ақллиқ қора қилли қирққа бұллар,  
Хар нарсаға ўзидай баҳо берар.  
Нодон киши ҳеч нарса билмай туриб,  
Махтаниб, кўча-кўйда кўкрак керар.

Халққа ичидан ён, сиртдан кулар,  
Тиригида дўстин сўкиб, ўлса йиғлар.  
Бир-икки йўли бўлган киши кўрса,  
Худо селиб яратган ушбу деяр.

Эл бузилса топади, шайтон ўрнак,  
Фаришта настга тушиб, қайғи емак,  
Ўзимнинг итлигимдан бўлди демай,  
Енгди-ку, деб шайтонга қилар кўмак.

Қўлдан кела берарми юрт бошқармоқ,  
Ҳалоллик, ҳаромлики ким тенг кўрар?  
Шухрат учун ғайратсиз бўлис бўлмоқ,  
Итдай бўлиб ўзига сўз келтирар.

1886.

Ҳаридик, ғам битмай, кўнайди армон;  
 Биздан сўнг ёшларга қолади замон.  
 Уларнинг хулқидан кўнглим хавотир:  
 Тер тўкмай, юлгучлик пайида ҳамон.

Бой олар, «такага совлиқ берай» деб,  
 «Кезида қўйнингга солиб берай» деб,  
 Бий билан бўлис ҳам роса ишлатар  
 «Қўшинингдан ўчингин олиб берай» деб.

Дўст дейди: бермасанг ўзингдан кўр,  
 Йўқ десанг, тилингдан, сўзингдан кўр;  
 Эртага ёвларнинг қаторида  
 Мени ҳам илғасанг — кўзингдан кўр.

Шумлари шумликдан панд бермоқчи,  
 Суйдим деб, суйкалиб, тўш кермоқчи;  
 Юз қўйнинг икки юз харидори  
 Бир бошдан ипох-туёқ текширмоқчи.

Мол сўйса, сен ҳам сўй деганидир,  
 Эл йиғса — ўзининг еганидир.  
 Ҳаргадай қағиллаб юрт тўпланса  
 Ўзини кул қилиб берганидир.

Юз-хотир қилмайди, оғзи чатоқ,  
 Онт пчар, билмайди — лафзи чатоқ.  
 Ўзидан бўшроғи дуч келганда  
 Ит бўлиб қопади, нафси чатоқ.

Эрк бердим сайловга, дейди ўрпе,  
Кимники сайласанг, дерман дуруст.  
Бузилса бузилди, тузалмади  
У тўра бўлгач ҳам, бизнинг улус.

Жуда кўп ҳаромни эн кўрганлар,  
Гаипреанг юзини чет бурганлар.  
Бормиякан астойдил рози бўлиб  
Худонинг берганин еб юрганлар.

Отаси ўглидан ор қилади,  
Оғаси инисин хор қилади,  
Бирови мол учун виждон сотиб,  
Еспирай, йўқ ердан бор қилади.

Меҳр йўқ, қўним йўқ, бари чигал,  
Бир-бириг кўролмас бовур-живгар.  
Эл тўзиб низода, соб бўлди-ку,  
Жон деб пени яратдинг, парвардигор?


Онг ичиб бахш этган жонг қурсин,  
Ор сотиб ундирган молг қурсин;  
Умрингнинг қирқ ерига тузоқ кўйиб,  
Қувликни касб этганинг ҳоли қурсин!  
1886.





Бойлар юрар мол- қорасин кўриқлатиб,  
Ўнни бериб, ўрнига юз олар сотиб.  
Ўнин олган тўқсонидан тама қилар,  
Худо уриб қўйган юртни, инсоф кетиб.  
Бориб келса Иртишнинг сувин тотиб,  
Бериб келса бир арза қўшиб-чатиб,  
Эл олиб, Эдел олиб кайф қилгандек,  
Терлаб-пишиб, қабариб келаётиб.  
Бир айланиб келса отин ориқлатар,  
Чиқим бўлиб, белгича қарага ботиб.  
Шум — шумшук деб, кув билгич деб аталмоғи  
Хумор қилар танасини қопжиратиб.  
Чурқ этмаса, қўрқди деб кун беришмас,  
Бой ҳам чопар қалъага туҳмат тоши отиб.  
Кучли чакмоқ азал бошдан бойга хосдир,  
Қўлга тушар силласи қуриб-қотиб.  
Жони шириини яхшига қўпамап деб,  
Ҳар ким бир нт сақлайди ириллатиб.

1886.



Кўнглим қолди дўстан-да, душмандан-да,  
 Алдамаган ким қолди тирик жонда?  
 Олис-яқин қозоқнинг барин кўрдим,  
 Якка ярим қолмаса онда-сонда.

Нафинг тегса, қалин дўст бўлмай биров,  
 Бошингга иш тушганда қочмай дарров.  
 Шу ҳам менга ўхшаган бир банди деб  
 Ким қолар бу майдонда юраги дон?

Ҳозирги юртнинг иши ўри-ғарлик,  
 Саноқли жон кўрмадим сўз уқарлик.  
 Бу замонда ҳеч на йўқ, унга боқиб,  
 Меҳр қониб, маст бўлиб қувонарлик.

Бойлар ҳам мол қадрини била олмас,  
 Ёз ўтказиб, куз отини мина олмас.  
 Кунда мол ўғирлатиб, из йўқотиб,  
 Изза бўлиб, иржайиб кула олмас.

Савдогар тинчроқ савдо қила олмас,  
 Қўлдан неки кетди, боз ола олмас.  
 Элдан нари хуп юриб, тўнда тонар  
 Орсизлардан кўнгли ҳеч тина олмас.

Эсиллар ҳам эсига қувонишмас,  
 «Эл озди» деб нодонлар мунғайишмас.  
 Ола илон, оч бақа тахлит бари,  
 Ҳайиқишмас, улканидан уялишмас.

Ҳакамлар-ку ҳакамлигини қила олмас,  
Ўғриларни, бузуқларни тия олмас.  
Телба-тентак безорига жазо бериб,  
Таюбини ҳеч ким тортиб қўя олмас.

Қариндоннинг қора ерга тикмоқ истар,  
Бир-бирининг сўзларини олмай кетар,  
Қуда-анда, дўсту ёрон, бола-чақа  
Бир ёқадан бош чиқармай яшаб ўтар.

Бир кучли кўп тентакни йиға олмас,  
Юрагида не-не дард — чиқа олмас.  
Ароқ ичиб, маст бўлар юрт бир текис,  
На фойдасини, на зиёнини била олмас.

Ёз етилиб, яйловга қўнолмайди,  
Куз — кузакда бежанжал бўлолмайди.  
Қил — қишлоқнинг шип-шийданг, бу ҳам бало,  
Торлик қилиб, чорва ҳеч ўнғолмайди.

Ёши кичик улкандан уялмайди,  
Баднафсини бўш қўйган, тиёлмайди.  
Салом — бурч, сўз ҳам қувлик бўлгандан сўнг,  
Номус қайда, ор қайда, бу — синалмайди.

1886.

Адашганнинг олди — жўн, орти — сўқмоқ,  
Уларга жўн бекорчи сўзни уқмоқ.  
Қош керик; молга ботган киши янглиғ  
Унда йўқ эгриликдан қитдай қўрқмоқ.

Бир газ мата чонони калта-ю чоқ,  
Белин боғлаб, гердаяр, алтоқ-талтоқ,  
Богичларни томоққа тортаман деб,  
Оқ тумоғини қулоғи кир ва шалтоқ.

Ёз кунин ҳам бошидан бурни тушмас,  
Қўлида бир газ тасқ у ҳам ошноқ.  
Керагага тасғини санчиб кўйиб,  
Бўркини илиб, қарайди ялтоқ-ялтоқ.

Чалвори қувлигига гувоҳ ёлғиз,  
Тиззасини тортқилар ўтирсаёқ.  
Тутқундаги кишидай бир ҳоли бор,  
Кунин бўйи ечиниб, излар ётоқ.

Ким учраса ўзини тенгдон кўриб,  
Иши унинг суйканмоқ ва тиркаймоқ.  
Сўзласа башараси юз турланар —  
Қош кермоқ, бўйин бурмоқ, хўроаланмоқ.

Бундай шийданг эл ичра учрар кўпроқ,  
Барчаси ҳам чорвада ўлоқ-чўлоқ,

Ичи нуц, лекин сирти ялтирайди,  
Бекорчи, шовқин солар ва мақтанчоқ.

Йўқ уларнинг фикрида молини боқмоқ,  
Меҳнат қилиб, ҳунар билан элга ёқмоқ.  
Елғиз отин терлатиб эл қидирар,  
Саломлашмай, ишшайар кўрса олчоқ.

1886.

Бўз болалик чинакам гўзал даврон,  
 Лекин қариш манглайда бор-ку аён.  
 Ёшликда кўкрак кепк, ваҳима йўқ,  
 Бахт қайда деб юрмаймиз сира ҳайрон.

Улаи айтмоқ эрта-кеч бизнинг юмуш,  
 Латифадан иборат гўё турмуш.  
 Қизлик овул ёнидан кетолмасдан,  
 Махташчўқлик этади дилини хуш.

Деманглар: «Уимас ишга юпанайлик,  
 Ақл топсак, мол топсак — қувонайлик...  
 Ёр севганда бирни сев, тавлаб топиб,  
 Кунда бир ошиқлик бу — девоналик.

Ёшликда бир кулганинг — бир қоралик<sup>1</sup>  
 Кулки деган бир кўрар бечоралик.  
 Аввало ҳунар изла, қўлдан келса,  
 Ё тер тўккип, кўрмайсан ҳеч хоралик.

Тўй бўлса, тўн кияйлик, юр — борайлик,  
 Биримизни биримиз ағдарайлик,  
 От ориқлар, тўн тўзар, қадр кетар,  
 Эс борида бу гапга бир қарайлик...

Мард ҳислати, асининг борлигидир,  
 Мушқули — дунё қўлини торлигидир.

<sup>1</sup> Бир қоралик — бир мол баҳосида.

«Хай-хай» билан бўларми, бўз болалар,  
Бу беш кувлик дунё эр орлигидир.

Хуморлигинг тутса ҳам берилма ҳеч,  
Ҷаҳима йўқ олдимда деб билма ҳеч.  
Ялиниб ва ёлвориб, сарсон кезиб,  
Кўрасан барини ҳа, керилма ҳеч.

Олифталиқдир бошга битган бало,  
Унинг ҳам сўнг манзили бор аввало.  
Ўғри ҳам бўлар киши, дайди-саёқ,  
Мол топмаса меҳнатга бўлиб шайдо.

Оталар бошдан ақл бўлмаса гар,  
Ўйлатингга йўқ эса ё акалар,  
Қайдан топар ўтказган давронини,  
Охирида кимдан бориб у ўпкалар?

Бу элда бўз бола йўқ, сўз уқарлик,  
Яхши айғирга бия йўқ, от туғарлик.  
Ҳайтовур, оқсоқоллар айтмади деб  
Юрмасин-да, озгина сўз чиқардик.

1886.

Йигитлар, ўйин арзон, кулги қиммат,  
Иккиси икки нарса — сир ва симбат.  
Сохта эмас, чин қалбдан куладиган  
Киши бўлса, ярайди қилса суҳбат.

Бир хил одам тинглар уйдан чиққанча,  
Бир хил одам қулоқ осар уққанча.  
Сўз маъносини тушунар баъзиси бор,  
Авайлар ҳар бир сўзини ўз ҳолича.

Чин юракдан севса экан қимми севса,  
Ўз сўзида турса экан ёнса, куйса.  
Бир хил нозик, ишак каби бўз болалар,  
Арзон бўёқ каби айнар бир нам тегса.

Бўз болага келишади талабчанлик,  
Хуш феъллик, ҳунар билиш ва ишчанлик.  
Баъзи йигит сиртидан хуш кўринади,  
Қилган иши мақтанчоқлик ва манманлик.

Шу ажойиб қуиларингни тотув ўтказ,  
Етишимаса бирингинки, биринг етказ.  
Беғараз, иноқ бўлгин чин кўнгиладан,  
Хиёнатли бўлишликни дилдан кетказ!

Бир ерда бирга юрсанг болшинг қўшиб,  
Бир-бирингга сўзлагин қалбдан жўшиб,  
Бир-бирининг ҳурмат эткил, иззат эткил,  
Турмагин бир-бирингдан қўрқиб, чўчиб.



Чин дўстлик, суҳбатдошимик улуғ индир,  
Бунинг қадрии поқобиллар билмас ҳеч бир.  
Чин инсон ордан сўзлаб, кулиб юрмас,  
Ўзгаларга эинҳор-эинҳор етказмас сир.

Бадавлат йиғитман, деб, ҳамон бўлмас!  
Енгилтаклик қилсанг сира кўнгил тўлмас.  
Эр йиғит ўз йўлини топиб юрсин,  
Ҳаромтомоқ бўлсанг агар, бахтинг кулмас.

Бировни ҳусни бор деб яхши кўрма,  
Беқарор нафсинг учун чошиб юрма!  
Хотин яхши бўлмайди ҳусни билан,  
Хулқини яхши билмай кўнгил берма!

Кўп чидамас, арзон мато тездан тўзар,  
Ўткинчи, енгил ҳавас дилини бузар.  
Кўнда кўрган битта бетдан кўнгил қолса,  
Қилни қирқ ёрган доно доим ўзар.

Юрагининг тўлқинини хатдай таявр,  
Қандайча сездирмайди сўқса томир.  
Ёр учун жонингни ҳам фидо қилиб —  
Юрганингни билса албат, қилар сабр.

Ҳа деганда кўринар сулуя ортиқ,  
Билгин, кўпи уларнинг бўлар инжиқ.  
«Бетим бор-да, бетимга ким чидар» деб,  
Бири расо бино қўяр, бири тантиқ.

Ақл керак, инш керак, хулқ керак,  
Эр уялар инш қилмас бўлса эйрақ.  
Ишлата, ишқим, лўттибоз бўлса агар,  
Ундайларга дўст топилар жуда сийрақ.

Хотининг сени сўйса, сен уни сўй.  
Бирга ёниб, бирга шодлан, бир ўтда куй,  
Эр ақдан, хотини доно, лобар,  
Тотув бўлиб яшаса гуллайди уй.

Йўқ бўлса хотинингнинг четдан ёри  
Ва бўлмаса хулқининг кирдикори,  
Кўнгли тоза, қалби соф бўлса бир гул,  
Ҳамон бирга боришар бахт сари.

Безанган, моли кўп, деб, бойдан олма,  
Йўқсул қизи арзон, деб ҳеч хўрланма.  
Ори бор, ақли бор, номуси бор,  
Ота, она қизидан гофил қолма.

Уйингга тотув тенгдош келса кириб,  
Қовоқ солма сен уни иймандириб.  
Эри севган кишини у ҳам севсин,  
Хизмат қилсин кўнгли тоза юриб.

Боадаб, очиқ кўнгли бўлсин ўзи,  
Маъноли дил оғритмас бўлсин сўзи.  
Сен уни ҳурмат қилиб сўзлаганда,  
Хотинингда бўлмасин унинг кўзи.

Дўст бўлади бугун тотув, эртаг ботар —  
Қалбингга. Ҳамма иши сени сотар.  
Юрагида бузуқлик йўқ, хиёнат йўқ,  
Чин дўстни кўнгли очиқ кимса топар.

«Фойда», «мол» деб туғилар эндиги ёш,  
Меҳнат қилиб, терин тўкиб ҳеч итламас.  
Ёймачилик қилар ўзи кулки бўлиб,  
Олса бермас, ҳамон унинг кўзи тўймас.

Савдо иши қимор каби — олиш, бериш,  
Кўи кишининг қилган касби, мана шу иш.  
Бирн фойда таланиб, бири алдаб,  
Довланиб, уришиб, сипдирар тиш.

Ёш болалар тез орада дўстлашади,  
Жуда яқин иноқ бўлиб олишади.  
Бир-бирини кучоқлаб, ҳайқирпишиб,  
Ўйин битар чоғида солишади.

Биттаси йиглаб келса уйи томон,  
Ота-она шовқли солар ундан ёмон.  
Тотувлиги қуриб кетсин, ўйини ҳам,  
Худди шунга ўхшайди ушбу замон.

Ёмон дўстлик қазийди ўзингга гўр,  
Ишонсанг унга, бир кун бўласан хўр.  
Ори бор, уяти бор зўрга ишон,  
Ўзи зўрининг бўлади ҳиммати зўр.

Қозоқнинг қайси элининг бор сараси.  
Қилт этсанг доим тайёр бир баласи.  
Хулқининг бир белгиси тухмат қилиш,  
Йўқ бўлса ҳам беш бериб, олти оласи.

1886.

Бозорга, қараб турсам, ҳар ким борар,  
 Излагани на бўлса шу топилар.  
 Биров овқат олади, биров маржон,  
 Ҳар кимга бир хил нарса бермас бозор.

Ҳар кимнинг излаган бир нарсаси бор,  
 Чамалаб оқчасига шундан олар.  
 Биров уқмас бу сўзин — биров уқар,  
 Баҳосин фаҳм қилмай ҳайрон қолар.

Сўз уқар ушбу кунда киши борми?  
 Демайман сўзи юртга бирдай ёқар.  
 Ёзган сўнг ерда қолмас тешик мунчоқ,  
 Бировдан-биров олиб, элга тарар.

Бир кишимас ёзганим ялли юрт-ку,  
 Гижинмайк чироқлар уқсанг ярар.  
 «Ит маржонни на қилсин» — деган сўз бор,  
 Дили ўтли йигитлар бир ўйланар.  
 1886.

Илм толмай махтанма,  
 Урин толмай бошланма,  
 Хумерланиб шодланма,  
 Уйнаб бекор кулишга!  
 Беш нарсадан қочиқ бўл!  
 Беш нарсага ошиқ бўл!  
 Одам бўламан десаиғиз.  
 Тилағинг, умринг олдингда,  
 Унга қайғу есанғиз.  
 Ёлғон-яшиқ, махтантоқ.  
 Эринчак, бекор мол чочмоқ,  
 Беш душманинг билсанғиз!  
 Талаб, меҳнат, теган ўй.  
 Қаноат, раҳм, ўйлаб қўй.  
 Беш асл иш — кўнсанғиз.  
 Ёмошлик кўрсанг нафратли,  
 Совутиб кўнгил тийсанғиз.  
 Яхшилик кўрсанг ибратли,  
 Уни ўйга йиғсанғиз.  
 Олим бўлмайин нима?  
 Болаликни қийсанғиз.  
 Бўлмасанг ҳам ўхшаб боқ,  
 Бир олимни кўрсанғиз.  
 «Ундай бўлмоқ қайда?» деб.  
 Айтма илм суйсанғиз.  
 Сизга илм ким берар  
 Ёнмай ётлиб сўнсанғиз.  
 Дунё ҳам, мол ҳам ўзи,  
 Илмга кўнгил берсанғиз.

Билгаларнинг сўзига.  
Муҳаббат-ла кирсангиз.  
Ақл қайтмай, қайтмангиз  
Бир ишга кўнгил берсангиз.  
«Оқсоқол айтди, бой айтди»  
«Ким бўлса, майли шу айтди».  
Ақл билан енгсангиз.  
Нодонларга сўз бермай  
Чин сўз билан ўлсангиз.  
Оят ҳадис эмас-ку,  
Кофир бўлдинг демас-ку,  
Қанча қарши келсангиз.  
Кўп олдида сир айтма,  
Бизнинг сўзга кирсангиз,  
Буни ёзган кишини  
Отин вафосиз дунёдан  
Чечан ҳам ўтган не булбул,  
Устоз ҳам ўтган не дулдул,  
Сўз маъносин билсангиз.  
Ақл — мезон, ўлчов қил.  
Агар қийшиқ кўринса,  
Майлинг ташла, майлинг кул!  
Агар тўғри кўринса,  
Ўйлагини қулоққа ил!  
Аҳмоқ кўп, ақлсиз оз,  
Дема кўпнинг сўзи бул.  
Яқиннинг сўзи ширин деб,  
Яқиним айтди деб кўрма!  
Нодонлик-ла ким айтса,  
Ундай бўш сўзга кирма!  
Сизга айтдим хавфим шул,  
Ўзинг учун ўргансанг,  
Ёмонликдан жиркансанг,  
Очиларсан йилма-йил,

Биров учун ўргансанг,  
Биров билмас, сен билсанг,  
Билганларингдир бир пул.  
Сўзига қараб киши ол,  
Кишига қараб сўз олма.  
Чин сўз қайси билолмай,  
Ҳар ишдан куруқ қолма!  
Сўзин уқиб хўп ўйла,  
Тез ўрганиб тез жўйма.  
Еш вақтида кўнгил гул.

1886.

Сабрсиз, орсиз эрпчак,  
 Кўрса — қизар ялмоғиз.  
 Шўрлик қозоқ шу важдан  
 Олти бақан ола оғиз.  
 Ўзи-ла ўзи кунлашар,  
 Яқини билан хунлашар,  
 Беорлик, бедодликдир.  
 Уялмас, ўйга ботмас,  
 Қўй десаиғ, тилви тортмас.  
 Бекорчи, ёмон отлидир.  
 Бир сакрасам чикдим деб,  
 Қўйинга мол тикдим деб,  
 Топ ағанаб ётади.  
 Анойи мол тондим деб,  
 Даволаиға овул чондим деб,  
 Ҳаммани қақшатади.  
 «Не қилганинг?» дейишса,  
 Бўлмағур гап сотади.  
 «Қутулай» деб ишидан,  
 Унгмасин кўриб кишидан,  
 Чиқимга ўбдан ботади.  
 Бу бўлмаса — унисл,  
 Осон учун кўниши,  
 Олисдан таъм тотади.  
 Ишлаб-нетиб мол топмай,  
 Ўқиб-тўқиб мол топмай,  
 Уйда хуррак отади.  
 Эл қидириб, ош ичиб,  
 Эр номусин сотади.



Бола-чақа бенаһаб.  
Уйда очқаб ётади.  
Йўқ ҳунари, тергаши,  
Бир чўлоқдир эргаши,  
Оит ургаи бир ялт чиқди.  
Бир сўз учун мушт бўлиб,  
Бир кун учун дўст бўлиб,  
Қуруқ чопган салт чиқди.  
Айёр ким деб сўрасанг,  
Қалъага чопар дам олмай,  
Устиндан ёлгон арз қилар  
Элу юртдан уялмай.  
Миш-мишдан бўлак сири йўқ,  
Чорвага кўз қири йўқ.  
Ёлгон-яшиқ, гийбат, лоф  
Оқиб турса шарқираб.  
От-чопондан кам кўрмас,  
«Қув» десапгиз, ярқираб.  
Шум нафасин тиёлмай еб,  
Отим чиқиб турсин деб,  
Тўйга борса — нас бўлса,  
Тўс-тўполон тўдада  
Ароқ ичмай маст бўлса,  
Эл тинч бўлса озади,  
Зерикиб ўлаёзади.  
Уйда қолса шалвираб,  
Тузга чиқса алвираб,  
Қишини кўрса тиржайиб,  
Гап отишиб, иржайиб,  
Ўз уйида қилпанглаб,  
Бировнинг уйида куй танлаб,  
Ақли бўлган одамни  
Булғалайди, додлайди.  
Ош-нони бор туққанин

Очкўз ит деб ётлайди.  
Мола ҳолингнинг шўри,  
Текинтомоқ кўпайди,  
Кимдан кимман дер, кўрсанг  
Ҳуриб турган кўппакни.  
Тил билан қутуриб кетар,  
Бир кун ўтириб кетар,  
Яхшилик қилган кишисин  
Йўқ қилишга таяйди.  
Содда қилиб юргани,  
Турган-битгани — касофат.  
Ўзи ўнгмасдан тегарми?  
Бировларга шарофат?  
Кимни уялиб яйди?  
Дурусти йўқ сўзининг,  
Омади йўқ ўзининг,  
Ўнкай алдаб қўяди,  
Чиннинг кўзин ўяди.  
Сўзимнинг ёлғони йўқ.  
Айтилмай қўйгани йўқ,  
Ёмондан бўлинг ҳазир,  
Эл йўриғи шундайдир!

1887.

Сур булут, раңги совуқ, тўлар осмон,  
Далани қучоғига босар туман.  
Тўйганданми, билмайман, тўнғанданми,  
Уюр-уюр йилқилар чопар ҳар ён.

Майсазор йўқ, тараса елларда соч,  
Тиланчидай қуш-қуруқ ҳар бир ёғоч,  
Гўдаклар шовқини солмас, югуришмас,  
Чўл ёниб кетган каби қип-яланғоч.

Бировлар — нўстии тикар, териси мўл,  
Бировлар — жулдур чакмон, кезади чўл;  
Бой учун, кийгиз босар гала чўри,  
Бировлар кунн учун олади йўл.

Турналар тўп-тўп учар тушлик еққа,  
Сарбони бор карвони бошламоққа.  
Қай овулга бормагин, ғусса тўлиқ,  
Ел ўшқириб чопади тоғдан тоққа.

Кўнгилсиз қора совуқ, қирда юрсанг;  
Биров келиб қарамас ёлғиз ўлсанг.  
Гўдаклар оч, инграшар кампир ҳам чол,  
Итлар ҳам оч увлашар қайда кўрсанг.

Ёз ўтди айрон ичиб яйловларда;  
Олов йўқ, бу чоқ қора ўтовларда.  
Шўринг қурсин, қозоғим, шўринг қурсин,  
Молнинг мўл, оч кезасан, қишловларда.

1889.

Ез кетди, кншинг боши, дала бежой,  
 Қора ел сўқиб турар бир-икки ой.  
 Қор тушгунча яйловни фойда кўриб,  
 Қишлолдан ҳамон нари ўтирар бой.

Гадоё шўрлик юради пода боқиб,  
 Утини йўқ, исинса олов ёқиб.  
 Хотин урчуқ йигирар, юнг савалаб,  
 Чакмон тикар совуқда елка қоқиб.

Жулдур ўтов ичида музлар гўдак,  
 На куюқ, на суюғи... бўзлар гўдак.  
 Чурук кийгиз остида титрар бобо.  
 Тушида гўшт кўрганини сўзлар гўдак...

Қари қўй сўйдирар бой бахиллиги,  
 Оч юрибди камбағал ақллиги.  
 Уришмайин ярим қоп қий берса ҳам,  
 Қўйчи бойнинг каттакоп сахийлиги...

Бўронда ҳам тўнгмайди бой боласи,  
 Утов иссиқ — кийгизли айланаси,  
 Қарол ўғли бош букар хизматида,  
 Писанд эмас кўз ёши, оҳ-ноласи.

Оч болага ўриш йўқ бой уйида,  
 Сорқўтга ҳам илинмас шу кўйида,  
 Лекин узоқ кетолмас, чораси йўқ,  
 Ўтирар уйгап юкдап сал қуйида.

Қаролига бермайди бой парча топ,  
Хизматга ҳам хайри йўқ, сувз ҳайвон.  
Меҳри йўқ, ипсофи йўқ, имони йўқ,  
Нега одам яратдинг, қодир мавлон!

Қароли оч ўлса не, бой ўзи тўқ,  
Меҳнат билмас, ҳақ бермас кўзалари лўқ.  
Ёш бола, кампир, чолни тептиратмай,  
Ҳеч бўлмаса бир қиш боқ, ипсофи йўқ!

1889.

## ҚИШ

Оқ кийимли, паҳлавон, оқ соқоли,  
Сўқир, гунг, ҳеч танимас тирик жонни,  
Уст-боши оқ қирову, туси совуқ,  
Ғарчиллаб келди қишнинг қаҳратони.

Нафасидан эсиб турар аёз ва қор,  
Қари тулрак қиш келиб ташвини солди.  
Чақмақи бўркин кийган чеккасига,  
Аёздан юз қирмизи чирой олди.

Икки кўзин булутдай қоши ёпган,  
Бош силкиса, қорлар ёғиб, мазанг олар.  
Ола-тасир бўрондай жини қўзғаб,  
Олти қанот оқ ўрдага титроқ солар<sup>1</sup>.

Ҳайнамоққа чиқиб қолган ёш болалар  
Бет-қўли тўнғиб қолиб, ушук урдн.  
Қават-қават чопон кийган молчи ҳатто,  
Илгиринга чидолмасдан юзин бурдн.

Қор тепишдан ҳоримас йилқилар ҳам  
Ҳолдан тойиб, дийдираб, туриб қолди.

<sup>1</sup> Олти қанот ўрда — олти керагадан қурилган катта ўтов.

Ҷиш билан бирга човут солди қашқир,  
Чўнонларим, хор қилмангиз унга молни.

Молни ёйиб, кўау қулоқ бўл, биродар,  
Уйқу қочмас, ғайрат қилиб, буз қамални!  
Ит еганча Қўвдибою Қанай<sup>1</sup> есин,  
Майли, қуруқ жўнат манов қари чолни.

1888.

---

<sup>1</sup> Овул номлари.

Вафот этса яқин дўст, ҳамли инсон,  
Қазо кўрган юраги ярали, қон.  
Кўз ёшига чўмилар ўлани ҳам,  
Боқиллари кўн маънос, мунгли лолон.

Ёринг билан овулда кезсанг ёлғиз,  
Ё кувни кутсанг, ё узатсанг қиз,  
Тортинув ҳам «бет очар», «ёр-ёр»лар ҳам,  
Ҳеч қачон қизганими шўх ўлансиз?

Чақалоқ туғилганда тўй зўр бўлар,  
Тўйлик овул ўланга, куйга тўлар.  
Бурунги яхшилардан қолган мерос...  
Ўланга доволигини солган улар.

Дунёнинг эшигини очар ўлац,  
Ўлган кирақ қабрга ўлан билан.  
Тирикликнинг шериги ўлан, билсанг,  
Бир ўйлаб кўр, бош қоқмай аланг-саланг.

Ўлани айтмоқ тугул, уқоқмайсан.  
Айтсанг ҳам урдасидан чиқоқмайсан.  
Ёниб-ёниб айтади ўлан айтган,  
Сен ҳатто бу гап маънини чақоқмайсан.

Ўлац сўзлар нақшидир, ўландир соз,  
Унда сўзлар куйлайди жам, жўровоз.  
Сўзи тотли, маъноси тузук келса,  
Бундай ўлац, пубҳасиз, бўлар эълоз.



Қорни тўқ сўз уқмайди, бил, ҳеч бир пайт,  
Сен ўлани оқ кўнгиал кишига айт.  
Унинг ҳам ўланга хуш вақтини топ,  
Тополмасанг, яхписи, бу ўйдан қайт.

Ўлан учун сўрмагил сийлиқ ҳеч бир,  
Ўлан айтдинг, нима йўқотдинг ахир?  
Йироқ бўлгин ўлани сотгувчидан,  
Ўлан сотиб пон есанг, понинг тахир.

Нодонларга шеър айтиб бўлма мазоқ,  
Қадрингга етадиган тўнда озроқ.  
Бирн у ён қарайди, бири — бу ён,  
Тугал сўзни тинглашга йўқ-ку қозоқ.

Бухор жиров, Чўртонбой, Дулат бироқ, —  
Ўлани бири ямоқ, бири қуроқ, —  
Ўлан айтар; сўз танир киши бўлса  
Дер эди: «Ўлан йироқ, улар йироқ!»

Муродим — тилви чархлаб ҳунар сочмоқ,  
Нодоннинг кўзи тугул, кўнглин очмоқ.  
Ўриак олишсин дейман ёш йигитлар,  
Шул гапларни айтганда димоғим чоғ.

1888.

## кўламбойга

— Ваалайкум ассалом!  
Мингбоши, мол-жон омонда.  
Яхшиларга дуч келдинг  
Алгов-далгов замонда.  
Ота-бобонг эл бийламай  
Ўтган эди армонда.  
Бўлисликни ишга сол —  
Харжинг қайтар, демасми.  
Ҳазиллашдим, ё бунга ҳам  
Чамагинанг келмасми?

Тура солиб чопасан  
Чопар келса қичқириб.  
Не қиларсан Уяз келса  
Аждаҳодай ўшқириб?  
Ўтирибсан уйингда  
Ўз-ўзингдан кўпириб  
Мансаб бекор бўлгудай  
Биров ўтса тупуриб...

1888.



Қалбингда ўтинг бўлса,  
Ушбу сўзга бер кўнгул!  
Агар ўтинг бўлмаса,  
Майли тирил, майли ўл!

Тапимассан, кўрмассан,  
Кўз ўтингни босса кул.  
Имомсиэлик номозда  
Қизил бошдан қолган ул.

Чувлаган эл не топар  
Бошқармаса битта қўл.  
Баракали бўлса эл,  
Ёқаси яйлов у бир қўл.

Япроқлари чайқалиб,  
Ўйнаб турар эсса ел.  
Ен-берига гуркираб,  
Қуйиб турса оққан сел.

Унинг моли ўзгадан  
Ўзгача бўлиб ўсар ул.  
Баракаси кетган эл  
Суви сассиқ, ботқоқ қўл,

Қушлар қанқиб ёқалаб,  
Бола очмас сира ул.  
Унинг сувиц ичган мол  
Ичи кетиб ошмас бел.

Күл деб, уни ким айтар  
Суви қурсин у бир чўл.  
Единица яхшиен  
Эрганиган эл — шундай ноль.

Единица нолсизоқ  
Бош-бошидоқлик бўлар ул.  
Единица бўлмаса  
Нима бўлар ҳамма ноль?

Баракангин қочирма,  
Эл тинч бўлса яхши ул.  
Тўғри сўзга таланиб,  
Оқ ем бўлма, жоним бўл!  
1889.

Мен ўлани ёзмайман эрмак учун,  
 Ўтган-кетган гапларни термак учун.  
 Мен ўлани ёзаман тушулганга,  
 Авлодимга бир сабоқ бермак учун.  
 Сўзини тентак уқмас, зийрак уқар,  
 Кўнглининг кўзи очик, сертак уқар.

Қийин-қийин йўллардан келма менга;  
 Тўғри кел, кўп сир очиб таплай сенга.  
 Эҳтиёт, биринчи гал уқмассан ҳам.  
 Ўлали алифбесидан бошлай сенга.  
 Айтиб қўяй, ёқмаса, шу замон айт;  
 Янги ўлали сўрамай, овлигга қайт.

Мен ўлали афсона кўйламадим,  
 Олтидан қўйма қизни ўйламадим.  
 Кексаларга ҳеч ўлим тиламадим,  
 Ёшларга ёмон бўл, деб сўйламадим.  
 Ўйранмайли, сўз аслии мендан сўра,  
 Сўзимнинг тағи тирак, пайқаб қара.

Ота билан олишган — одам эмас...  
 Саргардон ҳам саёқлар ҳеч кам эмас.  
 Ватансиз, нодон, молсиз етиб — ортар,  
 Хотинбоз, қуруқ савлат, сир ҳам эмас:  
 Қозоқда бангилар ҳам чиқиб қолди,  
 Бехунар ҳангилар ҳам чиқиб қолди.

Ўлан кўп, тузсиз ўлан тегди жонга.  
Елгон гап тўлиб кетди бу жаҳонга.  
Оқинларга ялинаман, ақлга кир,  
Асл сўз, сайлаб сўйла ёш инсонга.  
Ўлан бор — ўланларнинг ўланидир.  
Ўлан бор — бемаънидир, бемаънидир.

1889.

Аввалдан бир совуқ муз — ақл эйрақ.  
 Иситган бутун буйини иссиқ юрак.  
 Саботлик, талабгорлик, чидамлилиқ  
 Бу ғайратингдан чиқади, билсанг керак.  
 Ақл, ғайрат, юракни бирдан ушла,  
 Шунда тўлқин бўласан элдан бўлак,  
 Якка-якка ҳеч бири ёритмайди.  
 Йўлда йўқ ярим ишни яхши демак.  
 Ақл ҳам, ғазаб ҳам йўқ, кулки ҳам йўқ,  
 Уйнаб, қайнаб бир юрак қилар ҳалок.  
 Бировининг кунни йўқ, бировисиз,  
 Илм — шу учовининг жўнин билмак.  
 Ошиқлик, ишқибозлик — у икки йўл,  
 Ишқибозлик нафс учун бўлади қўл.  
 Сендан ортиқ жон йўқ деб ошпақ бўлдим,  
 Мен не бўлса бўлайин, сен омон бўл!  
 Кўнглимнинг роҳати сен бўлгандан сўнг,  
 Яширинма нурингга жон қувонсин.  
 Бирга ёққан, бировга ёқмас эди,  
 Суйкумли тирик жонга кетган жонсен.  
 Ошиқлик келса енгар кўнгил олиб,  
 Юпатар безгак каби сўлқиллатиб.  
 Бутун тани тўнгар, совур — умид узса.  
 Умидланар, ўртанар, куйиб ёнар.

1889.

## Йигит сўзи

Салом бердим, қалам қош,  
Сенга қурбон мол ҳам бош.  
Соғиниб, сени ўйлаб,  
Кўздан оқар қайноқ ёш.

Сендан ортиқ жон туғмас,  
Туғса туғар — ортиямас.  
Бир ўзингдап ботқага,  
Ошиқлигим айтилмас.

Асл одам айнимас,  
Ишқ ўтидан қайрилмас.  
Кўрмасам ҳам, кўрсам ҳам.  
Кўнглим сендан айрилмас.

Кўзим ётга қарамас,  
Ёт ҳам менга ярамас.  
Тор тўшакда тўшингни  
Искармидим яланғоч!!

Йингимда сунбул соч,  
Қучоқлашсак биз бирлас.  
Лаззат олсак бўлмасми?  
Кўз юмилган, кўнгила маст!!

Сизда поя, бизда ихлос,  
Шу сўзимнинг бари рост.  
Сиздай ёрнинг дунёда,  
Лаззатига жон тўймас.



Этинг этга текканда,  
Даминг тийиб суйганда,  
Тая жимираб, буй эриб,  
Ичим утдай куйганда.

Юрак эриб еганда —  
Ички сирни туйганда —  
— Излаб топар шунқорман.  
Гўзалимни қувганман.

Жоним, ҳижронни йўқот,  
Қараб тўймайман юз қат,  
Иссиқ тийиб борасан,  
Бир соатдан — бир соат.

Сиз қирговул жез қанот,  
Гул юзингни бир қарат.  
Яқинлай бер ёнашиб,  
Хуморимни бир тарат.

1889.

## қиз сўзи

Келиштириб мактайсиз,  
Уйласанг па топмайсиз?  
Бизда эрк йўқ, ўзинг бил!  
Алла нега бошлайсиз!..

Биз ҳам одам пайқаймиз,  
Биз мардларни ёқлаймиз.  
Сиздай асл гез келса,  
Қайтиб бошни чайқаймиз.

Ақллисан, сўзинг бой,  
Сиз ялқин чўғ, биз бир мой,  
Иссиқ сўз кирди пчга,  
Мой турарми эрпмай.

Қабул кўрсанг кўнглим жой.  
Ташлаб кетсанг, ёспирим-ой!  
Ит хўр одам бўларми?  
Бу дунёда шўрлигингдай.

Тилагимни бермасанг,  
Амалим не, ерласанг.  
Ўргатмагин бўйинига,  
Аниқ яхши кўрмасанг.

Асл ошиқ эрга тенг,  
Қора кўнглим ерга тенг.  
Сенсиз менга ёт тўшак,  
Бўлар худди гўрга тенг.

Сиз бир шупқор шохпарвоз,  
Ер юзидан олган бож,  
Биздай ғариб ҳисобсиз,  
Кўйингда юрар муҳтож.

Тол чивпқдай ўралиб,  
Гул шохидай буралиб,  
Салмогингдан янчилиб,  
Қолсин хумор бир қониб.

Буни ёздим ўйланиб,  
Ўйда бордан тўлганиб;  
Ёқса дилга ўқий бер,  
Игитлар қўлга олиб.

Буни ўқиса ким тайиб,  
Юрагида ўт ёниб,  
Сўз уқармик жон топса,  
Айтса бўлар куй солиб.

1889.

Нақ билакдай сочи унинг ўрим-ўрим,  
 Чўлписи, аста юрса, жаранг-журинг.  
 Қундуз бўрк, оқ томоғу қора қошли,  
 Кўрганмисан сулув қизнинг бундай турин?

Қора кўзи худди тиниқ ойпадайни,  
 Юракка чўғ таппайди боққап сайни.  
 Оқ бадани, очиқ юзи эсин олар,  
 Нозанин кўрганмисан бундай майини?

Чикка бел, расо қомат, мўъжаз оёқ,  
 Бундай қизлар оламда учрайди кам.  
 Пишган олма янглиғ улар тотли бўлар,  
 Кўз олдимдан кетмайди сурати ҳам.

Тегиб кетса қўлинг агар биллагига,  
 Тўлқин уриб киради қон юрагингга.  
 Яногидан ўлич олар бўлсанг агар,  
 Зўр қалтирок киражакдир суягингга.  
 1889.



Эм тополмай,  
Елган ўтдай,  
Тўлди қайғу гавдага.

Сирлашолмай,  
Сўз очолмай  
Бандага.

Кўп уялдим,  
Кўп пймандим,  
Кимни курсам мен ундан.

Юзин босдим,  
Туриб қочдим  
Титраб жон.

Уйқу, томоқ,  
Қолди шундоқ,  
Кераги йўқ иш бўлиб

Тинч ётмоғим,  
Ҳол олмоғим,  
Хуш бўлиб.

Еш юрагим,  
Ёнди менинг  
Жой тополмай, ёпирим!

Ўзинг бошла  
Яхши йўлга  
Аста-секин.

Ёш дарахнинг япроғи  
Силкинади сўқса ел,  
Эгилди бўйним,  
Тўлди қўйним,  
Оқди сел.

Ман ванг эдим,  
Беғам эдим,  
Ҳар нимадан қайғусиз.

Гоҳ севиндим,  
Гоҳо куйдим,  
Гоҳо муз.

1890.

Ўзгага кўнглим тўйрса,  
 Ўланни қандай қўйрса?!  
 Уни айтганда тўлғаниб,  
 Ичдаги дардни қуварса?

Сайра, зорлан қизил тил!  
 Қора кўнглим уйғонсин.  
 Йиғлаб кўздан ёш оқсин,  
 Ўмровим ҳам бўялсин.

Қора босиб санқиган  
 Нодон қандай уқолсин?  
 Кўкрагида ўти бор  
 Эр йиғит қулоқ солсин!

Тингламаса ҳеч одам,  
 Ўз юрагим тўлғонсин.  
 Ҳар сўзига қарасин!  
 Ичдаги дардим қўағолсин!

Ҳаволасин, қалқисин,  
 Ёлқин сочиб балқисин.  
 Йиғлаб, куйлаб ўлганда  
 Авлодимга сўз қолсин!

Мевдай ғариб дуч келса,  
 Бўйини эгиб ўйлансин.  
 Маъқул кўрса сўзимни,  
 Кимга ёқса шул олсин!

Не фойда бор, минг нодон  
Сиртда эшитиб танласин.  
Увдан кура бир эслек  
Ички сирпи аягласия!

Ўзингиз ҳам ўйлэнгиз,  
Неча турли жон борсиз!  
Илм ҳам йўқ, мия ҳам,  
Даладаги жондорсиз!

Қалбинг билан тингламай,  
Қулоғинг-ла ушларсан.  
Шуни кўриб, шуларни  
Қайси дил-ла хушларсан!

1890.



Ошга, тўйга бораркан,  
 Жон ошиқиб ёш йигит,  
 Қўлини боғлади душман,  
 Тирикнинг иши — умид.

Қийнади ёв ботир эрни,  
 Бир қиёмат солғали.  
 Қайлиги қола берди  
 Мард кўтариб олғали.

Ошиқсанг ҳам, чирогим,  
 Пешанадаги бўлар.  
 Эшитган йўқ қулоғинг,  
 Қиёматда ёзмиш иелар.

Қайлиқ эса, суйишга,  
 Куёвига интизор.  
 Бир ёстиққа боп кўйишга  
 Ваъда қилганди дилдор.

Оқдап кўйлак бичтириб,  
 Кунни билан тикади.  
 Иш битмасдан кеч кириб,  
 Боёқини эптикади.

Шошган қизим деб, амрини  
 Ўзгарттирарми оллоҳ.  
 «Айтганинг бўлармикин?»  
 Кўзим етмайди эвоҳ.

Танасин яра босиб,  
Йипит үлди ор учун.  
Бу дунёдак бенасиб,  
Күз юнди у ёр учун.

Тез тарқалар ёмон гап,  
Эл эшитди, билди қпа...  
Оқ күйлагин битказиб,  
Кафаним деб кийди қиз...

Васли-висолига етмай,  
Увол бўлган жон экан.  
Азал тақдирда битмай,  
Қўшилмоқ армон экан...

Ошиқлиги чин бўлса,  
Қисматидан нолимас.  
У дунёда дуч келса,  
Бир-бирини танимас.

1890.



Ешлик ўти ёлқинланиб,  
Еш юракда ёнган чоқ,  
Орау оти тўлқинланиб,  
Ҳар балога солган чоқ,

Дилда ғам оз, умид мўл,  
Бел оғримас меҳнатга,  
Бугун-эрта етқум деб,  
Ният қилгин давлатга.

Ғайрат иниб, ялинмай  
Ишнинг топиб кўзини,  
Қўлимдан келмас, демай  
Ярқиратасан юзингни.

Ўти қайтар тананинг,  
Еш пайт ҳам турмас узоқ  
Кекса, қари дувёнинг  
Этагни тут маҳкамроқ.

Думи чаён, юзи одам,  
Ишонмагил дўстингга.  
Усти ял-ял, ичи ҳаром,  
Бало солар бошингга.

Дўстга дўстлик — бу қарз ни,  
Душманнингга одил бўл.  
Ишонинг тағи — ўқиниш,  
Ўйлаб яшаш — тўғри йўл.

Оқ кўнгилли яхшидан  
Аямай ўртага сол.  
Ёмондан мақтов кутма,  
Сўзин уқма, жўнаб қол.

Бу шум дунё, қув замон  
Гул кўршиар йиғитга.  
Ёшлик қилади тугён,  
Қалби тўлиб умидга.

Бир нарса унаб қолса,  
Қайта ўйлаб қарамас.  
Юрт мақтаб, шовқин солса,  
Унга шунинг ўзи бас.

Бундайлар калта ўйлар,  
Билмас олис-яқини.  
Юрт ҳам билганин сўйлар,  
Қолдирмайди ҳақини.

Ори кетган алдамчи,  
Мени алда, сўкмайин,  
Бол томган кўк қамишини  
Ўрмасанг-чи кўклайин!

Сени яхши кўрмаса  
Боқармиди сўзингга?  
«Ёширим-эй» деб терласа,  
Ор эмасми ўзингга?

1891.

## КЎКЛАМ

Кўклам келса, қолмайди қишнинг изи,  
Қулф урар кўкаламзор ернинг юзи;  
Жон киради борлиққа, табиатга,  
Она янглиг жилмаяр куннинг кўзи.

Қулишар, ўлаш айтар йигит-яланг,  
Утовда ўтиролмас қари-қартаг;  
Жон-жонивор, одамизод яйраб кетар,  
Иш кўши қушигидан ҳаво жаранг.

Қирдаги, сойдаги эл аралашар,  
Қўй-қўзилар оёққа ўралашар,  
Қиш бўйи бир-бирини кўрмаганлар  
Қучоқлашар, ўйнашар, ҳол сўрашар.

Туя бўзлар, от кишнар, қўра шов-шув,  
Капалаклар гул излаб учар дув-дув.  
Гул ва дарахт элганиб қараганда —  
Сулув қиздай буралиб оқади сув.

Кўл ёқалаб учинар ўрдак ҳам гоз,  
Уи излаб югурар бола шоввоз;  
Учқур оти эгарлаб кўлга тушсанг,  
Чақмоқдай тез ов олар бўз довулбоз<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Довулбоз — ов қуши, лочин.

Кўкламдай кийинишар келтичаклар,  
Ер юзига кўрк берар, бойчечаклар,  
Қирда тўрғай сайраса, сойда — булбул,  
Гул била тўлиб кетар — гул этаклар.

Дехқонлар қўш қўшади, экар экин,  
Хафта ўтмай кўкарар экин-тинкин.  
Савдогарлар мол юклаб, туя қўмлаб,  
Олис-олис йўллардан келар секин.

Оламга безак берган қодир мавлон,  
Ер — она, қуёш — ота, нури жаҳон.  
Онадай эмпздирар кўксидан ер,  
Отадай меҳр тўкар ерут осмон.

Қуёш — ошиқ ериш кўш севар эмиш,  
Ер ишқида ўрташиб, куяр эмиш,  
Ошиқ йиғит уфқдан кўринганда,  
Юлдуз ва ой севганин қўяр эмиш.

Ошиқ — қуёш тун бўйи кутар эмиш,  
Висол пайтин пойлаб кўз тутар эмиш,  
Саҳардан оғуш очиб севганини,  
Муҳаббат оловида ўртар эмиш...

Қиш бўйи ер — қуёшни иалар муштоқ,  
Кута бериб сочлари бўлармиш оқ;  
Кўклам ва ёз васлига қониб тоза,  
Гул очилиб, тўлишармиш, етмай қучоқ.

Қуёшга тўғри боққан — кўр бўлади,  
Қуёш кулса оламга нур тўлади.  
Не билай, ўзим кўрдим, қуёш ҳар кеч —  
Олтин чодирига кириб дам олади.

1890.



Кўзимнинг қораси,  
Кўнглимнинг сараси!  
Қийнайдими жонимни —  
Муҳаббат яраси...

Қозоқнинг доноси,  
Улуғи, оғаси,  
Дер: «Унга тенг келмас —  
Хеч одам боласи...»

Йиғлайман, бўзлайман,  
Дардимни сўзлайман,  
Сен учун сўзларнинг  
Аслини излайман.

Дардимни қўзғайман,  
Адабдан ўзайман.  
Ўзи ҳам билмасми,  
Гапни кўп чўзайман.

Теранроқ қарайсан,  
Термулиб турмайсан.  
Беҳабар юргандай,  
Жуда ҳам синайсан.

Оқади кўз ёшим;  
Йўқ ёлғиз мунгдошим,  
Кулман, ёнаман,  
Айланар шўр бошим.

Бөақл бий бұлмас,  
Шўъласыз уй бұлмас,  
Юракда ўти йўқ  
Одамда мий бұлмас<sup>1</sup>.

Кўркингнинг доғи йўқ,  
Доғ тушар чоғи йўқ;  
Арзимми айтайин,  
Хоҳ тушун, хоҳи йўқ.

Оқ манглай, қалин соч,  
Соч деган бир қулоч,  
Оқ томоқ, қизил юз  
Қарогим, юзинг оч!

Расо бўй, хипча бел,  
Сўлқиллар эсса ел:  
Токай мен оҳ урай,  
Қарогим, бери кел!

Сен кулсанг — ёз бўлур,  
Ҳасратим оз бўлур.  
Кулиб қўй, очилиб,  
Токай бу ноз бўлур?

Гул ҳидинг алқийди.  
Кўркинг нур чалқийди;  
Узоқдан кўрганда —  
Суягим балқийди.

Мақташга сўзим йўқ,  
Сўзлашга юзим йўқ;

---

<sup>1</sup> Мий — мия дегани.



Қуспдай гўзалим,  
Қарашга кўзим йўқ.

Сенсан — жон лаззати,  
Кўрк — тангри давлати;  
Сулувни севмоқлик —  
Пайғамбар суннати.

Қулоқ сол додимга,  
Оху фаредимга;  
Кўнглимни очдим мен —  
Сен паризодимга.

У сени ўзинг бил;  
Майлига, бағрим тил.  
Узун гап қисқаси —  
Кетганман сенга зил.

Йиглатмай беқарор,  
Жон фидо, бўлсанг ёр;  
Кулишинг, келишинг,  
Қилади кўп хумор.

Тайсалган — йигитмас,  
Жавоб айт бу нафас..  
Худоё, юрагим  
Ёнишин қилгин бас!..

1892.



Юрак, тепма, тепган билан  
Куч кетади, фақат куч.  
Ахир, дук-дук этган билан,  
Ишонганинг бари пуч.

«Етим қўзи — бошинг тош,  
Юмалайсан — турасан».  
Шўрлик қалбим, бевардош,  
Мунча қаттиқ урасан!

Ҳаётга тўйиб боқмай,  
Ташига ёбон сингари,  
Дардлашгани жон топмай,  
Умринг ўтди сарсар...

Керагинг йўқ, деганингми —  
Талпинасан жони-жаҳд?  
Кези келар, деганинг не,  
Эндигиси не ҳожат?

1892.

Хўп ишонай, унайип,  
 Айтганингга кўнайин.  
 Сўфининг «иши ҳаром».  
 Демай, майли қўяйин.

Тошилар деб кўрайин  
 Бир одил, оқ кўнгил жон,  
 У севса ёки кулса,  
 Изига бош урайин.

Езилар яралди дил,  
 Дунёда роҳат бордир?!  
 Сўзламас «яхши одам»,  
 Тошилар ҳаётдап ҳам.

«Ўтган умр — кўрган туш,  
 Гоҳ қайтар, — десанг, — у»  
 Ишонганим ўша чоқ,  
 Фойда топмадим, бироқ.

Қон қилди юрагимни  
 Ўтган умр, ўлган жон.  
 Ақл палаб дунёни,  
 Кездим, топмадим нишон.

Кун ўтди, умр ўтди,  
 Юрагимда дард, алам.

Номус, ақл, яхшилик —  
Елғон экан бари ҳам.

Бодига тулиб пайқадинг,  
Дунёдан қул чайқадинг,  
Борми яна айтаринг?!  
Ишонсанг шунга ишон!

*1893.*

Етиб келди куз фасли ҳам,  
 Тўхта десанг, кўнарми?  
 Йироқларда қолган кўклам,  
 Қайт, деганга унарми?  
 Баҳорда ҳам гоҳ дилда қор,  
 Чечак қорда унарми?  
 Қай дилдаки, ўт, олов бор  
 Қор ёққанда сўнарми?

Одам деган ҳамма жойда  
 Олисроқни кўзламас.  
 Фойда дейди, доим фойда  
 Ўзга сўзни сўз демас.  
 Гап ўғирлар у тўп-тўпдан.  
 Нишиқ ва қул — ўзгамас.  
 Тўй, ҳайитда ёғли гўштдан  
 Бошқасяни явламас.

Алдадим, йўлдан урдим деб,  
 Ҳаддан ошиб ётмасми?  
 Эпитинг пойлаб турдим деб,  
 Пулга қувлик сотмасми?  
 Мўминларни қўрқоқ санаб,  
 Инсон дерми айёрни?  
 Макр-алдоқсиз, бу қандай гап,  
 Бу жаҳонда бахт борми?

1894.



Баъзи ўсмир замондошлар хафа қилар,  
Уқуви йўқ, ҳар қадамда хато қилар,  
Ор-помуси, тоқати йўқ, ишончи йўқ,  
Тайини йўқ, фақат кайфу сафо қилар.

Ёмон билан яхшини фарқ қилса кошки  
Ёки дину динатни билса кошки;  
Қасам ячиб, лоф уриб излагани  
Бир от билан ондан нари жилса кошки!

Бундай ёшлар ўз юртининг кўрнамаги.  
На ўқийди, на бир ҳунар ўрганади.  
Меҳнат қилмай, бир амаллаб мол топмоқчи,  
На имону на пион бор, сургалади...

Уяда уни алдайди у, бунда буни,  
Жоп берсанг ҳам тошилмайди сўзининг чини,  
Гумдон бўлса элга қиттак зиён келмас,  
Бир семизроқ от бўлади унинг хуни.

1894.



Севги тили — сүзсиз тил.  
Күз билан күр, дилдан бил.  
Бир қараш, ё бир нмо —  
Етар... Боғланар кўнгил!

Билардим бу тилни мен,  
Овлардим кўп дилни мен:  
Унутдим: бу тил сирин,  
Ва сочи сунбулни мен...

1894.

# абдурахмон хасталаниб ётганда

Эй, худо, ўринлат  
Тилаган тилакни.  
Ортиқча кўрқитма  
Чўчиган юракни.

Ялиниб-ёлбориб,  
Оллодан тилайман:  
Дардига даво бер,  
Яна не қилай ман?

Юрагим шувиллаб,  
Суйгим жимирлаб,  
Оллодан тилайман,  
Ўзимча шивирлаб.

Зорланса бандаси,  
Бермасми оллоси.  
Соғлиқ бер эркамга,  
Шу ота дуоси.

Не ёзай, мен беҳол,  
Қўл чўлтоқ, тилим лол.  
Сени соғ кўришлик  
Чўнг орзу, чўнг хаёл.

Бир совиб, бир исиб,  
Бормоқда иш пишиб.  
Юзингни бир кўрай,  
Суйганча бир қучиб.



Гоҳ умид, тагин ханф  
Кўнгилга йўл топиб —  
Кирган сўнг қийиндир,  
Эс оғиб, эс оғиб.

Икки ой шу аҳвол  
Ётибдир бемажол.  
Эй, худо, докторлар  
Дилига тўғрилиқ сол.

Олмаса докторга,  
Кўрсатма сўқирга<sup>1</sup>.  
Визитга тўламай,  
Уйланиб ўтирма.

Докторлар эм этсин,  
Чиройини инитсин.  
Оқчани аяма,  
Уйқунгни тинчитсин.

Абсамад жиянига,  
У ҳам бир жигаринг.  
Дўстлигин дўстлик-ла  
Ўтамоқ тилагим.

Кўнглимнинг хушлиги —  
Кўнгилга дўстлиги.  
Борардим, бўлмади  
Кўлимнинг бўшлиги.

Саргайди юзимиз,  
Тўрт бўлди кўзимиз.

<sup>1</sup> Сўқир — фолбив маъносига.

Соғайиб кет тезроқ,  
Соғиндик ўзимиз.

Хатимни олингиз,  
Кўнглимни билингиз.  
Куч-қувват бор бўлса,  
Кечикмай келингиз.

Бу — ўсган элингиз,  
Туғишган ерингиз.  
Зор қилмай мени кўп,  
Кечикмай келингиз.

Ваҳмда дил нуқул,  
Худодая умид шул.  
Бир яйраб келсангиз,  
Умрингиз бўлгай гул.

1894.



Талай сўз бундан бурун кўп айтганман,  
Тегин ўйлаб, кўп қайғу еб айтганман.  
Ақллилар орланиб уялган-чун,  
Ўйланиб, тузаларми деб айтганман.

Қозоқнинг бошқа юртдан сўзи узун.  
Бирининг бири тездан уқмас сўзин.  
Кўзнинг ёши, юракнинг қони билан  
Эритишга бўлмайди ички музин.

Дўстим-ай, ҳаволанмай сўзга тушун,  
Ўйланчи сиртин қўйиб, сўзнинг ичин,  
Иржагламай тингласанг пиманг кетар,  
Чиқарган сўз эмас-ку жинни учун.

Адашиб алаиглама йўл тополмай,  
Берироқ тўғри йўлга чиқ қамалмай.  
Ё илм йўқ ёинки меҳнат ҳам йўқ,  
Энг бўлмаса кетдинг-ку мол боқолмай.  
1895.

Оч киши юанарми тўймагунча,  
 Тўқ киши то ёрилиб ўлмагунча?  
 «Бир тўйсанг — чала бойлик» деган қозоқ.  
 Эт топса — қўймас ҳолдан тоймагунча...

Меҳнатсиз, ҳаракатсиз, шўрлик қозоқ!  
 Овқат излаб тентирар, ўта қашшоқ.  
 Гўшту қимиз сингари ош бўлмас, дер —  
 Йўқчилик гирдобида гаранг шундоқ!

Бўлсайди қимиз текин, ҳам гўшт арзон,  
 Унда ҳам ширин овқат қилар армон...  
 Кунда тўйиб эмоққа ўз пули йўқ,  
 Тиланчилик, қулчилик қандай ёмон!

Ҳоли йўқ ўз уйида ўт ёқишга.  
 Тентирар қарамайин қора қишга;  
 Бир суягу, бир оёқ қимиз берган —  
 Дарров юмшай қолади бир юмушга.

Не илож, ётга ёллан, мол тошиб кел...  
 Молниг бўлса, сийламай туролмас эл...  
 Ёшлик ўтган беҳуда ва бемеҳнат,  
 Ёшлигинг ўтган изсиз мисоли ел!

Хунари бор — ҳеч кимга қарам бўлмас!  
 Эринчак ҳеч қачон одам бўлмас!  
 Этак думини ювсанг ҳам, ҳалол меҳнат,  
 Ҳалол меҳнат — ҳеч қайда гуноҳ эмас!

Угри бўлиб, яхши тўн киёлмассан,  
Бир ўргансанг нафсингни тиёлмассан;  
Давлат кетар, ор билан номус кетар,  
Аmmo, чинг жонингни қислмассан.

Баъзига қувлик билан давлат битар,  
Баъзилар то ўлгунча тилаб ўтар.  
Меҳнат қилмай тоғанинг — давлат эмас,  
Қон сувидай бир зумда оқиб кетар.

Қасам урган қувлардан нари юргин!  
Тишб оқмас сувлардан нари юргин!  
Бу юртда тиланчи кўн, эринчак мўл,  
Меҳнат севмас... Улардан нари юргин!

Ёшлик ўтди, билдингми?  
 Йигитликка келдингми?  
 Йигитлик ўтди, кўрдингми?  
 Кексаликка кўндингми?

Ким билади, шум така,  
 Не гуноҳлар қилгансан.  
 Не қилмишлар билгансан,  
 Қай кўчага киргансан,  
 Не йўллардан юргансан.

Ким билади, шум така,  
 Тугал бадбахт бўларсан,  
 Қўрада ўлган туядай,  
 Сеп ҳам ҳаром ўларсан.

1895.

Кўланка буи узайтиб,  
Олисни кўздан яшпирса,  
Вақт офтобни қизартиб,  
Уфқлардан оширса,

Кўнглим маънос сирлашар  
Боққанча ўша ёққа,  
Не билан шивирлашар  
Қараб йироқ-йироққа?

Ўтган умр — қув сўқмоқ,  
Қидиради талайни.  
Ким алдади, ким тўқмоқ  
Солди — шуни санайди.

Нени топсанг, шуни топ,  
Ярамас бир керакка. 4  
Нуқул оғу йиғишиб,  
Сенар шўрли юракка.

Адашган кучук мисол  
Улиб, юртга қайтган ўй,  
Ўқиниш бўлди толе,  
Аввора бўлма уни қўй!

1895.

Табиат ўлар, балки инсон ўлмас,  
 Гарчи у қайтиб келмас, ўйнаб кулмас.  
 Менинг-ла табиатим айрилганини  
 «Ўлди» дегни бир нодон, ўзин билмас.

Кўп одам бу дунёдан ситам кўрган,  
 Ситам кўрган, рўшшоликни кам кўрган.  
 Ўлим — нима, ўйланг-чи, ўлмас сўзлар  
 Қолдирганинг ўлганини ким ҳам кўрган?

Тирикчилик ташвишни ўйлаган кас,  
 Боқий дунё маъносини англаб етмас.  
 Менинг қайда эканим биллолмайди  
 Терап ўйинг тизгинин кимки тутмас.

Дунёга — дўст, охиратга дўст бўлмас,  
 Иккови ҳам бир дилдан ўрин олмас.  
 Дунёга ўч, маҳшарга бегонанинг  
 Имонин бут дейишга оғзим бормас.

1895.



Молга дўстнинг дўсти йўқ молдан бошқа,  
 Оларида чор йўқ алдамасга.  
 Қаерда пулни кўрса тошинади,  
 Одамлар латнат ўқир ундай пастга.

Мол ёяди шухратин билдирмоққа,  
 Кўз-кўз қилар мол билан куйдирмоққа.  
 Ўзи чўчқа, ўзгани ит деб уйлар.  
 Сув шўрва, суяк билан суйдирмакка.

Ақлли, хунифеълли ва орли деб,  
 Мақтамайди ҳеч кимни бу кунда кўн.  
 Шу кунда мол қаерда гўнг ичида,  
 Олтин берсанг, беради гўнгидан еб.

Шуни ўқиб ўйлай бер бўлсанг зийрак.  
 Қучингни сот, ор сотиб нега керак?  
 Уч нарса одамзоднинг хосияти,  
 Зўр ғайрат, ёрқин ақл, илиқ юрак.  
 1896.

Туққан ота-она йўқ,  
 Туққизарлик бола йўқ.  
 Қизигига таңгу-тўш,  
 Тепишиб ўсган ола йўқ.

Тўляшай деса чора йўқ,  
 Жонига бир ора йўқ.  
 Уйқуда, онда ҳаловат,  
 Соч-соқолда қора йўқ.

Қадрига етар ёра йўқ,  
 Пандида озора йўқ.  
 Ёт кўрани пойлаган  
 Чолда ақл зора йўқ.

1896.

Гоҳ бетоқат кутасан  
 Дилдан гаплик аришин,  
 Бошинг узра тутасан  
 Тиниқ илҳом парисин.  
 Қонинг ўйнаб туради,  
 Чанма суви тошгандай,  
 Талпинади юрагинг  
 Нур қўйнига шопшгандай.  
 Ёруғ дунё чароғидан  
 Қўнғил кўзин очдай.  
 Кучли ўйлар булоғидан  
 Сўз ирмоғи тошади.  
 Шунда шоир бел боғлаб,  
 Кўз ташлаб келажакка,  
 Дунё поклигин чоғлаб,  
 Далда берар юракка.  
 У сезади оламнинг  
 Аламини, дардини,  
 Эшитади одамнинг  
 Фарёдини, арзини.  
 У жар солиб тўлғанар,  
 У ишонар ақлга.  
 Адолат руҳи уйғонар,  
 Янграб узоқ-яқинга!  
 Ўтли юрак, аччиқ тил,  
 Сиёҳи худди оғу.  
 Нима қилсанг шуни қил,  
 Шоирнинг бўлгани шу.  
 1896.

Бир гүзал қиз бўлибди хон қўлида,  
Хон ҳам жонин қияркан қиз йўлида;  
Олтин — кумуш кийгани шоҳи-ишак.  
Кутувчи қиз — келинлар бор сўнгида.

Деган сўз бор «уй-уйга, така тувга»,  
Хон гарқ бўлиб юринти овоз дунга.  
Қўйнимни, чол сийпаган, қурт есин деб,  
Жар тошдан қиз қулабди тераи сувга.

Шон — салтанат юнатмас ёғ юракни,  
Ким ҳам бўлсин, ўз тенгин тиламасми?  
Вақти ўтган давронни қувалаган,  
На қилсин бир қариган қув суякни?!

Қари — ёш давронин ўзга, тотув эмас,  
Эпга кўнар, ёш юрак сотув эмас.  
Кимда-ким катта бўлса икки мучал.  
Мол бериб олган билап хотин эмас.

Қўп бойлар ёш хотинни тутар экан.  
Ёш қайғусин билдирмай ютар экан.  
Орасида буларнинг муҳаббат йўқ,  
Тушаб қўйиб қочирар буқамикан?

Бой қариса молига берар чилвир,  
Мол умрин янгиртмас, худо ургир.  
Бировнинг қизин молга сотиб олиб,  
Илгаргини излаган қандай қургир.

«Хотиним қандай?» демас оқсоқол бой,  
Еш билан дўст бўлибди ёпирим-ой!  
Қув хотининг майишса шод бўласан,  
Шайтонга шогирд қилиб қўйишгандай.

Қари бой! Қаттиқ соқ бўл, тилга кўнсанг,  
Муйиз чиқар хотиннинг тилига кирсанг.  
Ҳеч ўқмассан ўзингга — ўзинг маз бўб,  
Дастурхон ҳам хотинни, махтаб кўрсанг.

Гуноҳсиз хотин билан бўлар ароз,  
Ёшнинг кўнгли эримас, у ўзи ноз,  
Биттаси қизил гулу, бири қуврай,  
Бир ерга қўшилурми қиш билан ба!

Доим бўлмас қуйруқни буланглатган,  
Сочидан силаб-сийпаб суюб ётган.  
Икки кўнгли ораси йилчилик ер,  
Уни қандай қўшади у олт урган.



Кўк ола булут буклиб,  
Шар-шар ёғар қай чоқда.  
Бўю бастинг эгилиб,  
Ёш думалар овлоқда.  
Ёғган кунда кўкариб,  
Ер кўпчиб кучга қонар.  
Оққан ёшга ёзғириб,  
Бош лўқиллар, ич ёнар.

1896.

## Хотини билан масақбой

### Хотини:

Тўшак қип остига  
Бойнинг тўқимин,  
Ўчоқнинг бошига  
Ўтиннинг қўқимин  
    Букчайиб,  
    Биқситиб,  
    Қўқситиб келтирди.  
Шуларнинг бари — мен,  
Қўнглининг нури йўқ.  
Юзининг нори — мен,  
Бахти йўқ, умри йўқ.  
    Букчайиб,  
    Шумшайиб,  
    Ғўдайиб ўлтирди.

### Эри:

Қулги бўи юрганда  
Неларга қодирсиз.  
Ош қилиб берганча  
Чидамас сабрсиз.  
    Келиб қолди,  
    Даҳшат солди.  
    Аёвсиз дўқлади.

Сўзининг жони йўқ,  
Ақлсиз қуп-қуруқ —

Хотининг куня йўқ,  
Қамчидир йўл-йўриқ.  
Варқиллаб,  
Шарқиллаб,  
Ҳалчиллаб тўхтади.



Кўк тумандир олдиндаги замон ўзи,  
Умид билан чироқ тутган сабру тўзим.  
Кўп йиллар кўп кунни ҳайдаб келаётир,  
Сурати йўқ, сийрати йўқ, толган кўзим.

У кунлар ҳам ўтган кундай хору хасдир,  
Келар, кетар, ортида из қолдирмасдир,  
Шунинг бири — меникидир, товушим ўчар,  
Кейингисин оқло билган бўлса басдир.

Ақл ва жон — мен ўзимдир, тан — меники,  
«Мени» билан «меникининг» фарқи — икки.  
«Мен» ўлмакка тақдир деган нарсаси йўқ,  
«Меники» гар ўлса ўлсин, унга бекин!

Чироғларим, нитилардинг «меники»га,  
Энди жисмим тополмайсан куну тунда.  
Инсоф, номус, севги ила йўлдошингни  
Эслаб кўйгил бир қабрдан ўтганингда.

Сот фойдага, молга ҳамма қилигингни,  
Ийлаб ишит ўй билан ҳўл-қуруғингни.  
Шунда умр деган алдаб қўймас сени,  
Йўқса секин ўғирлайди қизиғингни.

Гофил одам бор дунёни дер меники,  
Меники деб юртганларни топ уники.  
Молу ҳол ҳам, тан ҳам қолиб, жон чиққанда,  
Сенга ахир нима қолар, не сеники?

Эзилганга жонинг ачиб, ичинг күйсип,  
Харакат қил, кўнчилиққа фойданг уйсип.  
Аввалбошдан тангри кўпнинг тамин еган,  
Мен суйганин суйипти деб эганг суйсин.

Кўпни кўрсанг кўп демагил, ўрни бўлак,  
Кўп ит енгиб, кўк ит бўлар ёлғиз ҳалак.  
Кўп озиғи — адолатдир, марҳаматдир,  
Қайда кўрсанг, тириш кўпга эш бўлгундак.

Ўз корига яратар эл керагини,  
Билломмадим айёрини, зийрагини.  
Оғзингдаги ошни олган қайдан билар  
Ҳақиқату дин деганинг туб-тагини.

1896.



Кимдир сени кўпик сочиб жўп мақтайди,  
Ишонмагин, юрагида кек сақлайди.  
Меҳнатингга ва ақлингга ишон, шулар  
Икки ёндан суяб сени, қулатмайди.

Иъза бўлма, лаққа тушиб хушоматга,  
Кибр-ҳаво билан қолма маломатга.  
Эл ичда бошгинангни эгиб қолсанг;  
Ярашарми бу басавлат хуш қоматга.

Қайғу келса, кўксингни тут, бош этмагил,  
Кўзга кулгу нури қўнса — ёш демагил,  
Юрагингнинг тубига боқ, тўрига боқ,  
Унда асл жавоҳир бор, тош демагил.

1897.

Тапу жонга тарқалар —  
 Яхши оҳанг, ширин куй.  
 Дилга хил-хил ўйлар солар,  
 Оҳанг суйсанг, мендай суй!

Олам эсдан чиқади,  
 Унутаман узимни.  
 Кўнглим маъни уқади,  
 Деёлмайман сўзимни.

Чўлда ташна сув топса,  
 Ичар узала тушиб.  
 Билмайди, то қонгунча,  
 Ўтсалар ҳам туртишиб.

Яхши оҳанг — куйдирар,  
 Ўтганларни тиргизар.  
 Умр тўвин кийдирар,  
 Йўқни бордек юргизар.

Эски шивир қадим ҳол —  
 Эшитилгандай бўлади.  
 Ҳарён учади ҳаёл,  
 Менинг кўнглим тўлади.

Ўтмиш оғусин ичиб,  
 Бўламан тағин гарапг.

Ёлғонлар чия кўрпнар...  
Оҳанг кучига қаранг!  
Тағин чалғита бошлар —  
Ҳар муттаҳам ва ҳар қув.  
Оламда меп ичмаган —  
Айтнинг қолдими оғу?

1897.



Мен нома ёзаман,  
Қарогим, қайтарма.  
Қайгунгдан тўзаман,  
Боргувчи айтарми?

Қуп бўйи кутаман,  
Келар деб хабаринг.  
Оҳ урмай нетаман,  
Бизга йўқ назаринг.

Қўнгилга юпаниш  
Сен эдинг, бозорим.  
Сенсиз йўқ қувониш,  
Сенсиз кўп озорим...

*1897.*

Елсиз тунда ёруғ ой  
 Нури сувда дириллар.  
 Овул олди теран сой,  
 Дарё каби гуриллар.

Қалин дарахт барглари  
 Шивирлашар, ғоз қотар.  
 Майсазордир таглари,  
 Кўм-кўк товланиб ётар.

Янграб эди тоғу тош,  
 Куйлаб келган чоғида.  
 Йўлимга чиқар эдинг,  
 Кўришардик овлоғда.

Қалби гуп-гуп урарди.  
 Совуқ тер босарди гоҳ.  
 Ҳориб шунда турарди,  
 Чўчиб тушарди ногоҳ.

Сўз айтолмас, тили лол,  
 Нотинч эди юраги.  
 Суяниб турар беҳол,  
 Томоққа ботиб ияги.  
 1898.

Қуввати ўтдай бурқираб,  
 Маржон-маржон тизилган  
 Ёмғирли ёздай сирқираб,  
 Кўк булутдан узилган.

Эси ҳайрон қилар сўз —  
 Нодошларга қадрииз.

Таваккал деб ботир ўй  
 Тилни қилмишдай қайраб,  
 Ишлатиб минг ҳийла, йўл,  
 Чопишди яйраб-ййраб.

Уйғонмас юрт, димгина,  
 Уялмай қол жимгина!

Ўйлаб-ўйлаб тонган суз  
 Ичда қолдирмас кирми,  
 Кўнгил тилаб чопган сўз  
 Қўзғатар бор томирми.

Дил орзиқиб ёд олар,  
 Тагида-чи қўр қолар.

1898.





Шум дунё тўнаб ётир, ишинг борми,  
Бояги куч, бояги тусинг борми.  
Олди умид, орти ўкинч, алдамчи умр,  
Қарс уриб ерга тиқмас кишинг борми?!  

---

Таъми кетиб бузилмас тотинг борми?  
Беш кунлик бу омонатга биров зорми?  
Яқинни ёт, тотувни хун қилар экан,  
Қув умрнинг қизиғига эл хуморми?

Уйламай очилган оғизнинг айтма сўзин,  
Тил балоси ёмондир, булғар ўзин.  
Тилда суюк, лабда эса жияк борми?  
Чимилдиқдай кўрсатмайди чиннинг юзин.

1898.

... Номим одам бўлган сўнг,  
Қандай подон бўлайин?  
Халқим подон бўлган сўнг,  
Қаён бориб ўнгайин?

1898.



Мен кўрдим, узун қайин қулаганин,  
Қора ерга бош қўйиб сулаганин.  
Япроғи саргайиб ва ўлимсираб,  
Бойқушнинг ким тинглайди йиғлаганин.

Мен кўрдим, ўйнаб юрган кизил кийик  
Гавдасига милтиқнинг ўқи тийиб,  
Толиқиб, қопсираган қовоқ туйиб,  
Кимга ботар у бойқуш тортган куйик.

Мен кўрдим синиқ қанот капалакни,  
У ҳам билар умрни изламакни;  
Қун чиққанда пинар қалт-қулт этиб,  
Ундан ибрат олар жон бир бўлакни.

Мен кўрдим ошиқ ёрдан ваъдасизлик,  
Умрнинг қизиғидан умид уздик.  
Иссиқ юрак совуди, яра тушди,  
Чиқмаган чибян жонли кун ўтказдик.

Дунёнинг билдик охир оқибати,  
Еб юрган кўп, бирининг бири этин,  
Уйли одамга қизиқ йўқ бу дунёда,  
Кўпнинг сирти бутун, ичи тутун.

1898.

Кун ортидан кун туғар,  
 Бир кун бекор ўтказмас.  
 Ҳй ортидан Ҳй қувар,  
 Елга минсанг етказмас.

*1898.*

Хаста юрак тепади аста-секин,  
 Чарчаб қолган гавдамда жўш уролмай,  
 Гоҳо уни иссиқ қон босиб кетар,  
 Қийпалар узун туида дам ололмай,

Хаёл кўки қоронгу, қайғу енган,  
 Эркалик ва дўстликни оғриқ кўрар.  
 Ақли йўқ, ори йўқ ҳовлиққанни  
 Кунда кўриб, улардан юз ўгирар.

Эслаб ўтган кунларин расо қўмсар,  
 Бу кунни кун демас қаргаб сўкар.  
 Гоҳо тилаб бахт билан япа тинчлик,  
 Гоҳо қайғу ғазабни япа истар.

Гоҳо йиғламоқ истар айтиб зорин,  
 Шундай кунда тугилган дардининг барин.  
 Гоҳо уни яширар элу-юртдан,  
 Мазақлаб кеткизар, деб киши орин.

Хаста юрак тепади аста-секин  
 Ўз дардини яшириб ҳеч билдирмай.  
 Гоҳо босар иссиқ қон уни сокин  
 Гоҳо бир дам жим қолар ул чиқармай.

1898.



Юрагим менинг қирқ ямоқ,  
Хиёнаткор оламдан.  
Қандай қилиб бўлсин соғ,  
Кўнгил қолган ҳаммадан.

Гоҳо ўлди, гоҳ бўлди ёв  
Кимни севса бу юрак!  
Баря душман, ё йўлга ғов,  
Суянишга йўқ тиргак.

Етиб келди қарилик ҳам,  
Уни тўсар куч қайда?!  
Дўст бўлмас қалби беғам,  
Ундан бизга йўқ фойда.

Эй, юраги дардли одам,  
Қалбимдан сен хабар ол:  
Унда не бор,  
                            қандай дард, ғам  
Тилга кирар,  
                            қулоқ сол.

1899.

Нурли осмонга интилиб ўсгансан сен,  
 Гурурланиб қайғулардан безгансан сен.  
 Худди шундай баҳор чоғи майсаларнинг  
 Қуёш сари раббатини сезгансан сен.

Шундан бери кўн раҳмсиз йиллар ўтди,  
 Ўроқ они, йиғим-терим они өтди.  
 Иссиғини, совуғини — барин кўриб  
 Муғлиг кўнгил қайишмасдан ғайрат этди.

Оғир ўйлар азобида қийналиб жон,  
 Қайғу, ҳасрат чеҳранга из солмиш аён.  
 Дони тўлиқ бошоқлардай, у ўйлар ҳам  
 Сенинг бошинг эгмак истар ерга томон.

Тирик жон-ку ўлмакликка рози бўлмас,  
 Гўёки у бир умрга яшар, ўлмас.  
 Ажал келиб човут солса, жонни олса,  
 Умр қайда, сен қайда,— бир ўйласанг, бас.

Одам зоти бугун одам, эрта — тупроқ,  
 Бу кун умр яшваб турар, алдов бироқ.  
 Эрта ўзинг қаордасан, билармисан,  
 Ўлмак учун тугилгансан, ўйла, чироқ.

1899.

Юрагим, нима сезасан,  
 Сендан бошқа жон йўқми?  
 Дунёни кўнглим кезасан,  
 Таянч йўқми қўй, тўхта!

Сезганингни сездириб,  
 Етолмадинг ўртоққа.  
 Тирик жондан бездириб,  
 Оборасан қай ёққа.

Ўртоқлик, тинчлик, дўстлик-ку,  
 Унинг қадри ким билар?  
 Ҳар кимга тилак қўшдик-ку —  
 Бари алдамчи савдогар.

Дўстни қайдан топарсан,  
 Кенгашинга одам йўқ.  
 Нарн-бери чопарсан,  
 Ёлғизликдан ёмон йўқ.

Ақл айтсанг бирояга,  
 Ичинг эриб, илиниб.  
 Уялмас ҳақ тиланга,  
 Расволлги билиниб.

Ҳақим бериб тинглатган  
 Сўз кўнгила кўварми?



Қулоғим сотган лир урган.  
Унгдирарми, ўнгарми?

Куясан юрак, куясан,  
Куйганингдан не фойда.  
Дунёда нени суясан,  
Умр қайда, дўст қайда?  
*1900.*



Күспни вақт итариб,  
Кўк уфқдап опирса,  
Кўланка бошини кўтариб,  
Узоқни кўздан яширса,  
Шунда кўнглим йўқлайди  
Жондан севган ошиғип.  
Кўзи етиб тўхтайди,  
Ўтган куннинг қочиғини.  
Кўкка боқдим «Олло» деб,  
Синаб кўрай, дсб кучип.  
Раҳмати унинг унда кўп,  
Фойдаси йўқ биз учун.  
Нега севсин ул мени,  
Дилга уни олмадим.  
Кўрдим ортиқ мен сени  
Раҳматидан оллонинг.

1900.



«Уяламан» дегани кўнгил учун,  
Ушоққина умрдай мунгли учун.  
Тотувгина дўстлик ҳам, қасдлик ҳам йўқ,  
Жигари йўқ тортгали енгил учун.

Чалқанча тушиб ётар ичи пишиб,  
Қайси жонга ёқаркин бундай иши.  
Йиғилтириб уятни, танин асраб,  
Эртаси йўқ, бугундир бор ташвиши.

Туғингани, дўстлари икки-учдир,  
Шу сабабли дўстидан душман кучли.  
Суйса — ёлғон, суймаса — аямаган,  
Бу не деган замонга ишим тушди?!

Кап-катта-ю қилиғи болатовур,  
Болачадай эрмаги гала-говур.  
Ота тийса болани, бу ҳам — дўстлик,  
Бола тийса, отага нечун оғир?

1901.

Барги сўлиб қолган эски умидман,  
 Умр суриб хаёл-ла, бўш юрибман.  
 Хаёлларим кўпглимини тинчитмайди,  
 Ўтган кунлар ўйи билан қурибман.

У даврон — умр эмас, бир кўрган туш,  
 Ўйга ботма, хаёлда баланддан туш!  
 Ўз умрингга қара-чи, тугалмикан,  
 Қани ўтли юрак, чирой, қувват-куч?

Саҳрода сароб каби юрт-аймогим,  
 Чинга чидаб, ўнголмас иттифоғи,  
 Кўлпинг оғзин кузатсанг, кун кўрмайсан,  
 Ўзинг кузат ўзингни, кел, чирогим.

1901.



Юрак — денгиз, асл тошдир қалб олови,  
Шу оловсиз юрак бўлмас бахт гарови.  
Юракда ўт, дард, ҳарорат бўлмас экан,  
У юракнинг на дўсти бор ва на ёви!

Юрак иши дўстлик ҳам, душманлик ҳам,  
Ор-номуста соқчи бўлар ақл ҳар дам,  
Ор, уятни менсимасни бизнинг элда  
Мартаба деб билар катта-кичик одам.

Ўт озаяр ҳар одамда қариган чоқ,  
Ўт камайса юрган йўлинг бўлар тайғоқ.  
Ҳар учраган ердам қўлини узатса ҳам,  
Йўлинг тайғоқ, оёқларинг титрар, маймоқ.  
1902.

Жим-жим кўнглим, жим кўнглим,  
 Сояламай сой топмай,  
 Не кун тушди бошингга  
 Кунни, туни жой топмай?  
 Шундай юрганинг билан  
 Қиз ўларми бой<sup>1</sup> топмай?  
 Тунда кезган маъқулми,  
 Чор атрофга жовдирай?  
 Ўламан деб юрдингми,  
 Бундан бошқа жон топмай!

Жим-жим кўнглим, жим кўнглим,  
 Сабр таги сариқ олтин.  
 Сабр қилсапг ҳолингни,  
 Билармикан бегзодим?  
 Кўнгил овлаб сўз айтар.  
 Орадаги тилхатим.  
 Оқин сувдай тўлқинлаб,  
 Ўтаётир ҳаётим.  
 Касал эмас, соғ эмас,  
 Қуриди ҳол, қувватим!..  
 Жим-жим кўнглим, жим кўнглим,  
 Ҳеч ўйланма, етади!  
 Бу ўйлардан фойда йўқ,  
 Умр маълум, ўтади.  
 Ажал ҳам тез етади.

<sup>1</sup> Б о й — ар маъносида.

Хўш, қиз олсин..  
Азоб кўрмай роҳат йўқ,  
Ахир у ҳам кетади.  
Унинг билан ҳаётда  
Бор гўзаллик битарми?  
Ҳақни сотсанг ҳаромга,  
Тангри қабул этарми?  
«Қиз севади мени» деб  
Тайтанглашинг кетарми?  
Жим-жим кўнглим, жим кўнглим,  
Ўйлаб-ўйлаб толарсан.  
Ҳаммасини билсанг ҳам,  
Ҳали инкор қиларсан!  
Ўртанасан, ёпасан,  
Бекордан бекор азобга  
Ўз бошингни соласан.  
Қай вақтда тўйгаздиги  
Айниқ каби оғасин,  
Хотин билан тоғасин?  
Ҳеч зот юрмас ерларда  
Қарамай нега чопасан?  
Сенингча шу яхшимми,  
Ушлаб киши сабосин?  
Кийимингни йиртасан,  
Элга кулги бўласан.  
Жим-жим кўнглим, жим кўнглим,  
Соғиниб ҳеч саргайма!  
Тинч юрсанг ҳам қиз қувмай,  
Севи биров қарғарми?  
Қиз изласанг кўнгил бер,  
Бу гап маъқул бўлмасми?  
Кўриб олсанг кўркамни,  
Севиб олсанг севганин,  
Шунда кўнглинг тўлмасми?

Ярқ этмас, қаро кўнглим не қилса ҳам,  
 Осмонда ой билан кун чақилса ҳам.  
 Дунёда сира сендай менга ёр йўқ,  
 Сенга ёр мenden ортиқ топилса ҳам.

Шўрли ошиқ сарғайса ҳам, соғинса ҳам,  
 Ер айтиб, яхши сўздан янглишса ҳам,  
 Чидайди ёр ишига рози бўлиб,  
 Масхара ва хўрликда топинса ҳам.





Тулпордан чувир узмас чопилса ҳам,  
Ушга ҳам укки тумор тақилса ҳам  
Қоқитмай мени сиртдан юра олмайди,  
Қаерда ким еликиб, қоқинса ҳам.

Кучук, ит бари оларми ёпилса ҳам,  
Етарли бўлиб суяк топилса ҳам.  
Орсиз одам дўқ уриб ҳарсиллайди,  
Ҳар ердаёқ устунга тақилса ҳам.

Тойга миндик,  
 Тўйга чопдик,  
 Яхши кийим кийиниб.  
 Укки такдик,  
 Кулиб боқдик,  
 Йўқ нарсага суюниб.  
     Қирғий учди,  
     Қушни қучди,  
     Не битди?

Отамиз бор,  
 Домламиз бор,  
 Айтганига кўнмадик.  
 Сўнг чоғида  
 «Биз унга жўр  
 Бўламиз» деб билмадик.  
     Яшири қочдик,  
     Йўллар ошдик,  
     Чувлашдик.

Ёзув ёздик,  
 Хат танидик,  
 Бўлдиқ озад домладан:  
 Чала ўқишдан  
 Не наф кўрдик,  
 Қолгандан сўнг хўп нодон.  
     Баҳосиз ёшлик,  
     Бўз болалик,  
     Адашдик.

Бўз болалик  
Қиз қарадик,  
Ҳазиллашдик, сўйлашдик.  
Пойга чопдик,  
Шон таратдик,  
Бақирришиб куйлашдик.  
Кўнгилга келар,  
Ким йўлар,  
Ким кўнар!

Жойин топдик,  
Хотин олдик,  
Маҳри тегди озгина  
Турмуш қурдик,  
Энди ўйландик,  
Қолди ёшлик созгинам.  
Ёшлик қайда?  
Вой-войла  
Не фойда?

Ўз айбимга кўз солиб  
 Ўйга ботдим, тўлғондим.  
 Ўз айбимни кўлга олиб,  
 Текширишга ўйландим.

Ўзимга ўзим ёқмадим,  
 Энди қайга сиғолдим?  
 Ўрганган бу кўнгилни  
 Қандай қилиб тиёлдим?

Гуноҳимни санасам,  
 Тоғ тошидан оз эмас.  
 Юрагимга кўз солсам,  
 Игна қадар тозамас.

Арчиб, олиб ташлашга  
 Жўякдаги ўт эмас.  
 Ҳаммаси ҳам ўзимдан,  
 Тангри берган «ёт» эмас.

Шунча аҳмоқ бўлганман,  
 Кўринганга қизиқдим.  
 Адолатлик юракнинг  
 Одиллигин бузибман.

Ақл билан билимдан  
 Жуда умид узибман.  
 Ҳийла билан қувликни  
 Марвариддай тизибман.

Ялмоғиздай мен очкўа,  
Ор, номусдан безибман.  
Қувлик билан шумликка  
Тентак бўлиб учибман.

«Сиз биласиз» деганга,  
Қунда куйиб-пишибман.  
Ҳар кимсага мақтаниб,  
Айтибман: мен «пишиқман».

# Маъсуд

(Поэма)

Ё олло ҳурматингга дўстинг Маҳмуд,  
Тилга куч бер, билинсин тўғри мақсуд.  
Хорун — Рашид ҳалифа замонида  
Боғдодда йигит борди оти Маъсуд.

Шаҳардан бир кун Маъсуд чиқди тишга,  
Бордими тўғри келиб бирор ишга.  
Бир ўғри ушлаб, тўнаб ётган ерда  
Гез бўлди бир бечора чол бойқипшга.

Чол бойқипш бақиради фарёд солиб,  
Айриб олар одам йўқ уни бориб.  
«Ким ҳам бўлса бир эрлик қилайин» деб  
Маъсуд учди ўғрига ғазабланиб.

Маъсудни ўғри чопди қилич билан,  
Яхшиёқ жон сақлади бир иш билан,  
Эсон-омон у чол ҳам қутилибди,  
Маъсуддан ёв қочганда уриш билан.

Маъсудга келди у чол кўзини тиклаб.  
Кўрса бошдан қон оқади, мард энтикиб,  
Чол ўйлапти қарзимни мөн ўтайин,  
Йигит экан баҳодир, довжорак деб,

Эй, йигит, не қилсанг ҳам эр экансан.  
Кўргайсан эрлигингнинг баракасин.  
Ажалдан, сабаб бўлиб, сен қутқардинг  
Шу учун олло сенга умр берсин.

Бой эмасман, ботир ё хон эмасман,  
Отоқли, ортиқ бўлган жон эмасман.  
Сабаб бўлиб ажалдан қутқардинг сен,  
Яхшиликни мен билмас, чол эмасман.

Мен бир жонман дунёда, жаҳон кезган,  
Азон билан кетаман шахрингиздан.  
Эртароқ фалон ерга келиб туриб,  
Олиб қол бир мукофот ўғлим биздан.

Пул учун қизиқмассан сен ҳам бир эр,  
Сени менга учратди парвардигор.  
Бир худонинг ҳаққи учун мен тилайман,  
Қабул қил шартим учун қўлингни бер.

Ўғрига юбормадим мен номусни,  
Ким пуллар бундай-бундай қилган ишни  
Олло ҳақи деган ҳеч амал ҳам йўқ,  
«Борайин» деб ваъда этиб қўл олишди.

У ерга йигит туриб эрта борди,  
Олдидан чол тез пайдо бўлақолди.  
Қўлидан ушлаб олиб эргаштириб,  
Бир четда турган уйга олиб борди.

У уйда бир гул турар сўлқиллаган,  
Бошида уч мева бор билқиллаган,  
Бири оқ, бири қизил, бири сариқ.  
Танлаб шувдан бирини олгин, деган.

Оқин олсанг ақлинг жондан ошар,  
Сариғин олсанг давлатинг сувдай тошар.  
Агар қизил мевани олиб есанг,  
Хотпи-қиада жон бўлмас сендан қочар.

У йигит чол сўзига қулоқ солди,  
Кўзини пастга тикиб оз ўйланди.  
Оқи билан сариғин олмайман деб,  
«Қизил мева ейман» — деб қўлга олди.

Мен бераман, тонмайман айта туриб,  
Пушаймон бўлмай кейин юриб-юриб,  
Оқ билан сариғини олмаганинг,  
Маъносини менга айт яқин кўриб.

Мен бўлсам агар оқин емоқ дедим,  
Ақлли бўлдим элдан бўлак дедим.  
Мен ақлни эмас, у балки мени,  
Йўлга солса, ўргатса керак дедим.

Ақллик жон топилмас менга сирдош,  
Айниқса сўзга нодон бўйин бермас.  
Адолатсиз, ақлсиз, орсиларни,  
Кўра туриб кўнгилда тишчилик турмас.

Одам дардли бўлмасми ғусса тортиб,  
Ширин уйқу келмайди тунда ётиб,  
Юрагимнинг дардига эм тополмай,  
Ширин ош ичолмайман дамдин тотиб.

Сариғин еб, мен бўлсам бойнинг ўзи,  
Оғзида халойиқининг бўлдим сўзи.  
Палончидан бир нарса олсакчи деб,  
Тикилар жон битканинг мешга кўзи.

Юрт қарғар юртдан ортқ бойлик учун.  
Пуллайди биров тусин, биров ичин.  
Не қилса ҳам нодонлар олмоқ пестар,  
Моли қуғғир куйдириб юртинг ичци.



Меҳнатсиз мол сўрамоқ хайрчилик,  
Ақлли эрга ордир ундай қилиқ.  
Уни ўйлар бу кунда одам борми?  
Фойда ўйламай қилади ким тотувлик.

Берсанг қолар нимаси унда орнинг,  
Бермасанг ўзинг ҳам ит бирга бўлдинг.  
На ўзинг ит, бўлмаса бор элинг ит,  
Даъвосиз бир балога миниб қолдинг.

Қизилни есам мени аёл суяр,  
Одамликка юрмаса не жон куяр.  
Аёллар ҳам кўп жон-ку, дўстим бўлса,  
Доб эдим бир фойдаси менга тияр.

Эркакининг гар эркада бўлса қасди,  
Хотини — она, қизни йўқ кимнинг боши,  
Қон қаҳр қора кини қасдлик қилса,  
Шунда аёл бўлмасми ҳимоячи.

Аелда одам боши соғ бўларми?  
Уйнда текширилмас дов бўларми?  
Эри аччиқ айтса, хотин юмшоқ айтиб,  
Ўтирса бурунгидай ёв бўларми?

Шуни ўйлаб қизил мева мен танладим,  
Берсангиз емоқ бўлиб бел бойладим.  
Тўсатдан мен бу сўзни айтганим йўқ,  
Бошидаёқ ўйлаб тегини алайладим.

Бу сўзга солиб турди чол қулоғин,  
Бўлмаса тошиб айтдинг, ё чироғим,  
Ақл, давлат, аввалдан сенда экан,  
Умрингдай узун бўлсин бахтинг, жоним.

Бу чол бўлак чол эмас Хизир эди,  
Эпин топиб йигитга тўғри келди.  
Сўзига ва ақлига, қилиғига,  
Рози бўлиб ҳақиқа дуо қилди.

Хизирдан Маъсуд дуо хўп олипти.  
Сўнгидан шаъми — жаҳон аталипти,  
Маъноси бу дунёнинг куни деган  
Етишиб бизга ибрат сўз қолипти.

1887.

# искандар

(Поэма)

Искандарни ҳамма ҳам билармикин?  
Македония шахридир унга макон.  
Филиппи пошшо фарзанди, дов юракли,  
Мақтанчоғу қизғанчиқ одам экан.  
Ёни ҳам йиғирма бир, расо бўлди,  
Филиппи ўлди, ўрнига пошшо бўлди.  
Ўз давлати, ўз юрти кам кўриниб,  
Кўшини эллар бошига бало бўлди.

Искандар кўшини йиғиб, йўлга тушди.  
Қанча мулк, қанча давлат қўлга тушди:  
Дарё-дарё оқди қон, ёнди боғлар.  
Искандарнинг босқини мўлга тушди.  
Тиз чўкди талай хонлар қаршисида,  
Тиз чўкди не султонлар қаршисида.  
Асир тушиб, қул бўлди саноқсиз эл,  
Тиз чўкди не инсонлар қаршисида...

Шаҳаншоҳ, деб шуҳрати гап-сўз бўлди..  
Давлати ошган сайин — очкўз бўлди.  
Қўйни тўлди, кўзи ҳеч тўйгани йўқ,  
Ер юзин олмадим, деб дилсўз бўлди.  
У, яна кўшини йиғиб йўлга тушди,  
Яна давлат, иқлимлар қўлга тушди,  
Ҳеч қайда тополмади кўним, ором,  
Дарё кечди, йўли бир чўлга тушди...

Олис чўлга дуч келди у ногўзон,  
Қақраган ҳам яланғоч қум ҳар томон,

Қанча тежаб ичса ҳам ўтмади сув,  
Чўл тағтида қоврилар мол ва инсон,  
Бир қатра сув дардида қўшин сарсон,  
Бедармон, чала жинни ва чала жон.  
Қанчалар қолди кетди бу саҳрода,  
Лашкарига солмоқчи ўзи қирон...

Жаҳонгирнинг оти ҳам қулаб ўлди,  
От ёлин қучиб, кўнгли гамга тўлди.  
Ўрнидан туриб қолса, олисларда —  
Бир шуъла барқ урмоқда... Ҳайрон бўлди.  
Шаҳаншоҳ шуъла томон тўғри юрди,  
Саҳронинг қоқ белида нима кўрди?  
Тасмадайин, мўлдир булоқ жилдирди,  
Искандар ширин сувга ўзин урди.

Тоза қошиб дер эди: «Не ҳикмат бу?  
Чўл аро қандай ширин ва салқин сув...  
Сув бошида бадавлат эл бор ўхшар,  
Ҳамманг ичиб, дармон йиғ ва юзинг юв!  
Дармон йиғиб, сув бўйлаб кетиним бор.  
Сув бошида қалъага — етишим бор.  
Бош эгмаса — қиличим бошидадир.  
Шаҳрин ҳам тош-талқон этишим бор».

Жар солди, сув ёқалаб юриб кетди,  
Йўлда кўнмай, кўн кун от суриб кетди  
Қўшини совут кийган, ўнкай ботир,  
Йўл-йўлакай базмини қуриб кетди.  
Қарасаки, ажойиб қалъа турар,  
Искандар от бошини дарҳол бурар.  
Тутқасин тортар олтин дарвозанинг,  
Очомай, қаҳри қистаб, ҳар ён юрар.  
Ҳеч қачон бундай хўрлик кўрмаганди,

Ҳеч дарвоза олдида турмаганди:  
Ғолиб бўлиб ўрганган асов кўнгил —  
Хўрланарман деб, хаёл сурмаганди.

Қаҳри қистаб, қоқишга тушди ногоҳ:  
— Дарвозангни оч! — деди Исқандар шоҳ.  
— Ижозат йўқ, бу — тангри эшигидир! —  
Қоровулнинг жавоби солди садо...  
— Билмайсанми, Исқандар деган менман,  
Ер юзини урупда енган менман.  
Дарвозангни оч, кимсан, билдир менга!  
Энг сўнгги қалъа учун келган менман!

— Мақтаннишга ҳожат йўқ, зўравонсан,  
Ҳам зўравон, ҳам очкўз, тўймае жонсан.  
Миқти бўлсанг — нафсинга кучинг етсип,  
Бу дарвоза очилмас, бил, аён сан!  
— Кўп кездим, тўғри келди ранг-баранг ер,  
Қалъаларга чанг солдим мисоли шер:  
Қалъангни-ку очмайсан, ҳеч бўлмаса,  
Халқимга кўрсатайин, бир сийлов бер!

Шу замон келиб тушди тугун рўмол:  
Овоз келди: «Жаҳонгир! Сийловни ол! —  
Сен сўраган сийловнинг худди ўзи,  
Ўйлаб кўр, ақл бергуси, кўзингни сол!»  
Кўнгли тўлиб, тугунни қўлга олди:  
Тўхтамай қўшин томон чоғиб қолди.  
Очсаки, рўмол тўла бир қоқ суяк...  
«Бу қандай масхара?» деб ақли толди.

Аччиғланиб, тутоқиб кетди бирдан,  
Ҳеч маъни ололмади ушбу сирдан.  
Наъра чекди: «Менга шу равониди, —

Суяк деган топилар ҳамма ердан!»  
Ҳам тугунни яргитди бетоқат қўл...  
Арасту яқин келди — ақли зап мўл:  
— «Шоҳо,— деди,— бу тортиқ бежиз эмас,  
Хосиятлиқ суяк бу — хабардор бўл!»

Арасту сўзлар экаи тингламас ким?  
Искандар ҳам ноилож ўтирди жим.  
— «Кўрайлик, суякми ё олтин оғир,  
Тарозуни келтир!» — деди ҳаким.  
Тарозуни шу замон келтирдилар:  
Бир ёнига кумуш, зар тўлдирдилар:  
Бир ёнда суяк оғир босиб турди:  
Ҳаммаси ҳайрон қолиб ўлтирдилар.

Йиғилди қўшинда бор олтин буткул,  
Босарди суяк ётган палла нуқул.  
«Ҳазинам етмади-ку! Суяк оғир...  
Чорасини топ!» деди энг кейин ул.  
Ҳаким олди ердап бир сиқим тупроқ  
Ва суякнинг устига сочди шу чоқ.  
Бир дамда олтин оғир босиб тушди:  
Искандар яна ҳайрон, хаёл тарқоқ.

Шаҳаншоҳнинг бағрини тирнар оғу,  
Чидалмайин ҳакимни чақирди у:  
«Ҳайратдаман, ақл етмас, қотди бошим,  
Маъносини айтиб бер, ай Арасту!»  
— Кўз суяги — бу суяк! — деб бошлар сўз,—  
Тирикликда ҳеч қачон тўймайди кўз,  
Бир сиқим тупроққа ҳам тўяр — ўлса,  
Ғазабланма, шаҳаншоҳ, бўлма дилсўз!

Ўйлаб-ўйлаб подшоҳ бошини букди,  
Қўзлари косасига ботиб — чўкди.  
Йўл солди ўз юртига қўшин ила,  
Ўлгунича ўзини-ўзи сўкди.  
Сўз тамом, адоқ бўлди ҳангома ҳам,  
Беҳуда гап ўйлама, бўлма беғам.  
Ору номус сотма умр бозорида—  
Очкўз бўлма, одаммас очкўз одам!

Мақтанишининг хайри йўқ, яхши билгин,  
Донолардан ўрганиб, амал қилгин.  
Ўз баҳонини ўзингдан ким сўрайди.  
Яхши бўлсанг — ёруғлик сочиб келгин!

1901.

## АЗИМ ҚИССАСИ

(«Минг бир кеча» эртакларидан)

«Минг бир кеча»дан ўқиб мазмуинини,  
Ўлаи қилиб куйламоқчи бўлдим уни;  
Бағдодда Мустафою Сафо деган —  
Ўтган экаи икки йигит ога-ини.

Отасин олиб кетиб ўлим бевақт,  
Иккаласи меҳнат қилиб, излапти бахт.  
Кенжа йигит тикувчи хўп чевар экаи,  
Мустафоси рассом экаи, етук хушхат.

Булар икки элга қилмоқ бўлган сафар,  
Бироқ улар кўрмаганди ўзга шаҳар.  
Ким мол топса, унисин излаб топар,  
Ваъдалашиб, йўлга тушган бир тонг саҳар.

Улар ботир экаи, на хавф-хатар билган,  
Айрилмоқни чиндан тақдир насиб қилган.  
Сафо Чинмочинга<sup>1</sup> етиб келгунинча,  
Мустафоси Болсурага<sup>2</sup> етиб келган.

Ака аввал сўққабошу фақир ўтган,  
Тангри қўллаб, касби-кори ривож топган.  
Кўп ўтмасдан бола-чақа, уй-жой қилиб,  
Бул шаҳарда обрў топган, донг таратган

Дунё топиб, усти бутун, кўзи тўйган,  
Не-не гўзал сурат чизиб, касбин суйган.

---

<sup>1</sup> Чинмочин — Ҳиндистонда бир қалъа.

<sup>2</sup> Болсура — бу ҳам қалъа.



Худойим қўчқордайин ўрил бериб,  
Домла ҳам унга Азим деб от қўйган.

Азим ўсди ҳар йил сайин одим ташлаб,  
Мадрасада таълим олди, эди ташна,  
Кўп йил ўтмай, бу ёш йигит доно бўлиб,  
Кенг маяглай, очиқ юз бўлди, дили яшнаб.

Азим ота ҳунарига қўйди ихлос,  
Отадан ҳам ўтиб кетди, фарзандга хос,  
Мустафо кўз юмса ҳамки куни етиб,  
Юпин етим қолмади ёш ниҳол хуллас.

Қаранг, ота ҳунарини қўлга олди,  
Отадан ҳам ўтиб кетди, эл тонг қолди.  
Харидорлар кундан-кунга кўпайгандан,  
Аввалгидан зиёд бойлик — мол тополди.

Азим бир кун дўқонида ишлар эди,  
Олтин камар, зарбоф тўн-ла бир чол келди.  
Не қилмасин бир обрўли кишидир деб,  
Азим туриб, таъзим билан салом берди.

Алик олиб қария ҳам саломлашди,  
Аста юриб Азимга у яқинлашди.  
— Шаҳрингизда мусофирман, эй чироғим.  
Ишлар қалай, не қилурсан?— деб сўрашди.

— Ёшлигимдан етим эдим, кўнгли синиқ  
Ҳунарим ҳам мақтанарли эмас улуғ.  
Эртаю кеч меҳнат қилиб, тиним билмай  
Қилар ишим сураткашлик, бўёқчилик.

— Назар солсам билимсизга ўхшамайсан,  
Уддалайсан истасанг ҳар ҳунарни сан?  
Ёш жонингга эртаю кеч кўзни қадаб,  
Ишласанг ҳам кунинг унимсиз ўтар экан.

Чол сўзига аччиғланди Азим туриб:  
— Мунча дағал сўзлайсиз,— дер ачкиқ қилиб,  
Гарчи сиздай қорни тўқ бой бўлмасам ҳам  
Не қиласиз ота касбим ерга уриб.

— Хўрламайман, болагинам, зўрламайман,  
Эртаю кеч ишлайсанки, мен аяйман;  
Кимёгарлик қилар эдим, ўргатардим,  
Мисдан олтин ясар эдим, алдамайман.

Кўзинг етса ўрганардинг сен гул ҳунар?  
Ўйлайсанми ҳар кимсага, деб, ўргатар.  
Ерда қолмас, қулай ҳамда соз ҳунарки,  
Оз иш билан анча олтин фойда етар.

Ётгани йўқ молу дунём ошиб-тошиб,  
Бу сўзларни айтдим, болам, меҳрим тушиб,  
Эртагача мис тайёрлаб турсанг агар,  
Бу жумбоқни еча олар эдинг шуйтиб.

Энг аввало чинлигига етсин кўзинг,  
Ўргатмоқни шарт қўйдим-ку сенга ўзим.  
Эртасига худди шунда топишмоққа,  
Ваъдалашиб бир-бирига берди сўзин.

Чол кетди-ю бола ҳайрон уйга қайтди,  
Воқеани онасига келиб айтди.  
Кимё илми борлигини эшитса-да,  
Она қалби дов бермади ушбу пайтда.

Мис пақирни олдиға қўй, айтган маҳал,  
Олтин бўлса, бойлик ошар, яхши бу ҳол.  
Елғизгинам, не қилсанг ҳам эҳтиёт бўл,  
Шум жодугар чиқмасин у нотаниш чол.

Бола деди: «Ҳақ олдида банда ожиз,  
Бўлса ёлғон хору зор бўлур шаксия.  
Агар бунинг тағ-тубига етолмасак,  
Алам билан пушаймонда қолмайлик биз».

Не қилса ҳам бола шу кун ухлолмади,  
Чол сўзининг мазмунига етолмади.  
Мис пақирни олиб, шу кун барвақт туриб,  
Дўконига эрта борди, кеч қолмади.

Чол ҳам худди шу чоқ бўлди ҳозир-нозир,  
Халтачадан босқон олди, олди кўмир.  
Иккаласи саломлашиб бўлгандан сўнг:  
«Мисинг қайда, болам» дея кўрди тадбир.

Кўмирга ўт қўйиб, қурди декча — қозон,  
Мис пақирни букиб, солди унга шу он,  
Тобга келиб мис эритган кезида чол  
Қон-қора бир дори олди халтачадан.

Тез олдию у дорини мисга солди,  
Қозон қайнаб шу ондаёқ мис чайқалди.  
Не биландир уни бир оз қориштиргач,  
Олтин қилиб, совутиб, сўнг қўлга олди.

Қўлидаги олтинини унга берди:  
— «Заргарларга бориб кўрсат, болам энди.  
«Олтин эмас» деб бир кимса айтолмайди,  
Алдайдиган одатим йўқ, айнимайди.

Олтинларни олиб бориб элга кўрсат,  
Тангри қўллаб, ишни ўнгдан келтирса бахт,  
Ихлос билан мени йўқлаб қолсанг агар,  
Тополасан мени анов боғдан фақат».

Азим чоғди олтинларни ола солиб,  
Не-не бойлар уни кўрди қўлга олиб.  
— «Асл олтин, тоза олтин экан-ку деб,  
Ким кўрмасин, айтишади ҳайров қолиб.

Уч минг уч юз тилла пулга қайтди сотиб,  
Онасига олиб келди қулоч отиб.  
Онаси ҳам:— Ўша чолни чақир,— деди,—  
— Кетсин ахир уйимиздан нон-туз тотиб.

Ваъдалашган боққа кириб борди Азим,  
Чол учради, ўтирарди, солса разм.  
— Эй отажон, қилган ишинг ҳақ — рост экан,  
Нон-туз тотиб кетишингни этдик жазм.

Сўнг бир ҳовуч тилла берди Азимга чол:  
— «Сенинг ҳам ўз молинг,— деди,— мендаги  
Мол.

Кўнгил ёзиб, чақчақлашиб ўтирайлик  
Турли-туман қимматбаҳо шароб ҳам ол.

Яйраб-яшнаб отамлашсак икков фақат,  
Баҳри-дилинг очилади бўтам, албат.  
Онангни ҳам бирор жойга юборақол,  
Сенга бу кеч сирларимни айтмоғим шарт.

Кун ботгунча кўнглинг бўлма, қўяй айтиб,  
Қош қорайгач мен келаман яна қайтиб.  
Ейиш-ичиш орасида айтар сўз кўп,  
Тағин биров эшитмасин уйда ётиб».

Азим кезді бозорларда, ұта хушвақт,  
Турли-туман шароб олиб келтирди тахт.  
Олтинларни кўргандан сўнг онаси ҳам  
Таскин толиб, қўшнисига кетди барвақт.

Ғамлаб мева, позу-неъмат, шароб — майин  
Азим қувнар олтин жиринг этган сайин.  
Уйларига ҳеч кимсани киритмасдан,  
Чол келгунча ясантириб турди жойин.

Қош қорайган чоқда чол ҳам етиб келди,  
Азим чаққон эшик очди, юриб-елди.  
Азимни у гўё яқин фарзанд билиб,  
Жилмайганча ёруғ юзла уйга кирди.

Бу чол кўздан кечирмаган жой қолмади,  
Бир Азимдан ўзга жонни тополмади.  
Ортиғича чолга баҳо берган Азим:  
— Нега мунча қарайсиз? — деб гап олмади.

Вақтин чоғлаб сўзлайди чол тўхтов билмай,  
Таъзим қилиб Азим турар, тинглаб, жилмай.  
Ош ейилиб, қўл ювилиб бўлгандан сўнг  
«Майни келтир» деб имлади, нарво қилмай.

Қадимдап бир одат бор, ҳануз яшар,  
Русми, немис, дунёдаги борки баптар.  
Овқатдан сўнг мевадан қилган шароб —  
Соғлиққа фойдали деб сипқаришар.

Шаробли шишаларга патнис тўлди  
Бир-иккита жонон қадаҳ тайёр бўлди.  
Паста-баланд сўз отишиб, қаҳ-қаҳ уриб,  
Чўқишдилар пиёланинг ўнги-сўли.

Мийиғида кулган бу чол кўп қув чол-ди,  
Содда Азим тез аяча кайф суриб қолди.  
Чўқиштириб май косалар алмашингач,  
Жодугар чол май қадаҳга дори солди.

Фирибгар чол кўпдан шундай қилар экан,  
Кўпнинг ҳаёт томирига болта урган.  
Дори сояган майни бехос ичгандан сўнг.  
Ярим тунга бориб Азим ҳушдан кетган.

Шунда шум чол деразадан ҳуштак чалди,  
Тўрт йигит тобут олиб кира қолди.  
Азимни шу тобутга солишди-да,  
Кўтаришиб тапқари юра қолди.

Азимни маст қилганидан кўнгли тўлди,  
Эшик ёпар экан кўрди ўнгу сўлни.  
Сўнгра маҳкам бекитди-да, онт урган чол:  
— Юринглар,— деб икки кўзи йўлда бўлди.

Кўм-кўк депгиз соҳилида қалин қамиш,  
Қамишзорда кема турар чолга таниш.  
Азимжонни шу кемага солишди-да,  
Сузиб кетди, бошланиб тез эшкак эшиш.

Қанотида ўттиз чоғлик йўлдоши бор,  
Тоғ отгунча бул шаҳардан кетди олис.  
Эл уйғонди, эрта билан кампир келди,  
Болажонин йўқолганин кўнгли билди.  
Фарёд чекди, йиғлади не қилсин шўрли,  
Еш Азимнинг ҳолин баён этай эвди.

Азим ҳушга келди расо эрта тушда,  
Азиз бошин кўрди хавфу-хатар ишда.

Кўл-оёғи кишанланган ётар танҳо,  
Гўё темир қафас турар эди устда.

Кўзгалди-ю, ўрнидан ул аранг турди,  
Турганидан ўша туллак чолви кўрди:  
— Оқсоқол, одам шундай иш қиларми,  
Онамдан ҳам айирдингми?— деб оҳ урди.

— Кўзингни оч, эсингни йиғ бас, ўйнама,  
Мени сен ўз диндошинга деб ўйлама.  
Отаипараст динидаман, динимга кир,  
Мендан қўрқма, хавф-хатардан ҳеч сўйлама.

Нодон бўлма айтиб қўйдим мен бир қарра,  
Гар кўнмасанг кунда ейсан бир юз дарра.  
Минг бор жонинг бўлганда ҳам қутулмайсан,  
Билиб қўйки, шафқатим йўқ, сента зарра.

Бола айтди: «Диним учун бўлай қурбон,  
Чўқинмайман ўтинга мен, куйдирма жон.  
Ҳақ йўлида минг розиман шаҳид ўлсам,  
Қўрқади деб умид қилма, сен беимон».

Ечинтириб болани, тез яланғочлаб,  
Роса урди юз даррани қулочкашлаб.  
Тишини-тишга қўйди бола, гинг демади,  
Бир озгина ҳушсизланди, ўзни ташлаб.

Ёмонликни хуш кўрмади ҳақнинг ўзи,  
Сел қуйилиб, тим қорайди кўкнинг юзи.  
Бола боғли ётганича қола берди,  
Чол кемада кетди қурғур, қора юзли!

Туни билан ухлашмади, сира мизгелб,  
Сув тариллаб, тўлқин уриб, шамол пазгилб.  
Сув тўкишиб, тонг отгунча шолпиллашиб,  
Ўттиз қули ҳолдан кетди, сувда юзиб.

Қуллар бирга тўпланишди бош қўшишиб,  
— «Бу ҳолатда ўламиз» — деб қолди шошиб.  
Ҳаммави шу кунга солган шум тақани  
Ёқасидан тутишдилар қаҳри ошиб.

— Ота, ўйлаб иш қилмайсиэз аввал бошдан.  
Жонни аяб қочмас эдик қора тошдан,  
Олло бизнинг ишимизни хуш кўрмади,  
Халос этиб, розилик ол банди ёшдан.

Қўлин ечиб, розилик ол, кишанни уз,  
Қани, тез бўл! Нима дейсан, вақт тигиз?  
Бу талабга ён бермасанг, ахир ўлдик.  
Сени сувга ташламоққа шай турибмиз!

Чол бу сўзга ёқа ушлаб ҳайрон қолди,  
Не қиларин била олмай ўйга толди.  
Ўттиз қулнинг авзойини пайқагандан,  
Кишанларни қўл-оёқдан ечиб олди.

Чирогим деб, бўйнига қўл ташлар шу чоқ,  
Ёлғондакам кўзда ёши мунчоқ-мунчоқ.  
— «Болагинам, мастлик билан қилипман», —  
деб,

Сўздан тониб, яна қўйди ҳийла — тузоқ.

Оқ кўнгилли йигит эди бизнинг Азим,  
Ўйлар: «Нега шундай бўлса ийманди жим.  
Мастлик билан қилса қилган чиқару, — деб.  
Ёш эмасми, — керак, — деди, — ишонишим.



— Кечдим сени, қилган бўлсанг мастлик қи-  
либ!

Кекса тулки: «чирогим» деб, турар кулиб.  
Шамол тиниб, қуёш чиқди аввалгидай,  
Қараангни, кетди ҳарён қулф уриб.

Сув кечмагап йўргадайн топиб-шошиб,  
Азимжонни сийларди чол таом ташиб:  
Ўттиз қул ҳам «жўн одамга ўхшамас» деб,  
Чин юракдан хизмат қилар ни талашиб.

Бир манзилда чол гап отди: «болам, тўхта,  
Мисни олтин қилар дори анов ёқда.  
Унчалик кўз узоқ эмас, яқин ерда,  
Бонлаб олиб қайтсамикан, не дейсан, ҳа?»

«Не ҳам дердим» деди бола беихтиёр,  
Чол қувонди ич-ичидаи тағини бисёр.  
Бон устида югурдакдек қилди хизмат,  
Маккорлиги авжга мишиб бу ҳийлакор.

Тез орада бир соҳилга келди етиб,  
Чол жўнади, Азимжонни ҳамроҳ этиб,  
Бир ноғора ётар экан, чалган эди,  
Елмоялар<sup>1</sup> чиқди ерни дупирлатиб.

Уч мойни чол ушлади минип учуи,  
Бирисига озик-овқат ортди бутун.  
Иккаласи иккаласи миниб олиб,  
Ногорани йўлда кўйиб кетди шу кун.

Елмоялар келишади елдек учиб,  
Чол бир ёққа қараб келар нелар бичиб.

<sup>1</sup> Ел м о я — учқур туя.

«Булут каби баландликини кўряпсанми?  
Ана шунда, болам,— дейди, чол сўз очиб.

Аслида у Кўҳиқофдир, булут эмас,  
Катта тоғнинг бериги ўнг ёғи, халос.  
Биз қидирган дори ўша тоғ бошида,  
Бургутдайин тездан олиб қайтолсак бас».

Туни билан йўл юришиб тонг отипти,  
Худди уйдаи бир нимадир ярқ этипти.  
— Бу нимаси?— деб сўраган экаи бола,  
Тура сола қочганича чол кетипти.

— Бу нима?—деб такрорлапти Азим шўрлик,—  
Қочасанки, нечун ахир бу нонкўрлик?  
— Эй чирогим, бу жой асли хатарли жойи,  
Ёвуз деб бор, қилар иши фақат зўрлик!

Қамчи босди чол шу сўзин бўлгач сўйлаб,  
Кетди у олдиндаги дарё бўйлаб.  
Соҳил бўйлаб, йўл юрса ҳам, мўл юришиб,  
Тушда тоғда тўхтадилар, макон айлаб.

Чол олдинда, бир қояда, тўхтаб шу он,  
Озиқ ортган елмойни этди қурбон.  
Ичин ёриб, ичак-чавақ, ўпка бағрин —  
Қорнигача қолдирмасдан олди чаққон.

Азимжонга чол арқону ханжар берди,  
— Терига сен кириб, бир оз ётгин!— деди —  
Устингдан мен тикиб бўлгач бекинаман,  
Тоғ бошида турган Семурғ бизни кўрди.

Семурғ келар кетганимдан кейин бир оз,  
Човут солиб сўнгра этар баланд парвоз.  
Тепаликка қўнғач бирдан ёриб чиққин,  
Сендан чўчиб теридан у кечади воз.

Тоғ бошида бордир қора, майин тупроқ,  
Фурсатни бой бермай тўлдир қопни тезроқ,  
Қоп тўлганда боғлаб уни тушир пастга,  
— Сени ечиб олгунимча шошма бироқ.

Шундан кейин арқонингни тошга бойла,  
Тушадиган бирор қулай ерни сайла.  
Арқонингдан ушлагинда туш сирғаниб,  
Иложки йўқ, қилинмаса бундай ҳийла.

Қанор олди, ханжар олди шунда Азим,  
Бу сўзларни уқди барин солиб разм.  
«Эркатойим, айтганимдан янглишма» деб  
Чол ҳам ҳаддан зиёд қилар эди таъзим.

Азим бўйин товламади, ўтарди вақт,  
Юрагида орзулари эди қат-қат:  
«Таваккал» деб терига у кириб ётди,  
Пешонага ёзилгани бўлар фақат.

Чол терини чандиб, тушди югурмоққа,  
Қочиб кетди шох-шабба мўл турган ёққа:  
Кўкда Семурғ гир айланиб, шўнғиб шу он,  
Човут солиб кўтарилди яна кўкка.

Шунда Семурғ қоя тошга қўнди бориб,  
Азим ботир чиқа келди ичин ёриб,

Тирик одам боласини кўрган бу қуш,  
Чўчигандан кетди ўзин четга олиб.

Азим чиқди тоғ бошига, алапг-жалапг,  
Кўрса турар эди тупроқ, қоп-қора ранг.  
Қоп тўлиши билан курмак қилиб боглаб,  
Отасига туширарди бола аранг.

Ҳалиги қоп чол қўлига боргач етиб  
Қасамхўр чол мол-дунёга қолди ботиб.  
Зил-замбил қоп ерга тушгач, динсиз кофир,  
Арқонни ҳам олиб кетди юла-тортиб.

Арқондан айрилганча Азим қолди,  
— Арқонимни нега олдинг? — деб дод солди.  
— Талай жонни шу қулфатга солганман — деб.  
Орқасига қарамасдан чол йўл олди.

Бетайинини динсизлигини Азим билди,  
Шум чол нарво қилмай кетди, юз ўғирди.  
Бу кофирнинг қайтмаслиги аниқ бўлгач,  
Югурганча қоя бўйлаб йўл қидирди.

Ишондики, қутулмоқнинг йўли йўқ ҳеч,  
Қорин очди, кўзда ёши, йўқ танда куч.  
Бир нимадир — емиш топиб еб олди-ю,  
Тақдирдаги бўлар деди, эртами — кеч.

Қуёш ботди, бир жой топиб Азим ётди,  
Қош қорайгач қўрқинч, шов-шув қанот қокди.  
Қараса ўт пуркар эмиш аждаҳолар,  
Шунда ҳам у бир оз мизғиб, ухлаб қопти.

Уйқусидан чўчиб кетиб уйғонди тез,  
Қарасаки, аждар келар, вақт тигиз,  
Не ҳам бўлса таваккал деб, туриб дадил,  
Ханжар билан қоқ бошига урди шу кез.

Зарб етиб ўзи нари учиб кетди.  
Зўр дарахтни кўриб эди, шунга етди.  
Баландроқда бўлганим соз деб, ўйланиб,  
Уша туни шу дарахтни макон этди.

Бирмунча вақт мизғиди-ю, ухлаб қолди,  
Толлққан-ку, чарчаган-ку, кеч уйғонди,  
Қарасаки, аждаҳолар кўрнимас ҳеч  
Ўзп чопган аждарини таппи олди.

Тирик бўлса ётарми?— деб, этди хитоб,  
Ўлган деган ўй хаёлдан ўтди шу тоб.  
Дарахтдан тез тушиб, шу дам аждаҳога  
Ханжарини қўлга олиб етди шитоб.

Яқин борса, ётар эди аждар ўлиб,  
Яратилган экан шундай катта қилиб.  
Шилиб олиб, терисидан тасма ясаб,  
Кунга ёйиб қуритарди кўнгли тўлиб.

Тасмалардан ясай олди узун арқон,  
Азим ботир тушмоқ учун топди имкон.  
Бир учини тошга боғлаб туширганда,  
Арқони ҳам мўликалига етди шу он.

Азим ботир таваккал деб, жондан кечиб,  
Арқон тутиб кетди шунда дастга тушиб.

Қарагат еб, тоғ олма еб, сувга қониб,  
Дарё бұйлаб кетди чунон қушдек учиб.

Тўрт кун юриб, ахир ярим йўлдан ошди,  
Шу кун олтин қаср кўрди, завқи тошди.  
Тоғдаги қандай таваккал деб тушган бўлса,  
Қасрга тоғ юрак билан қадам босди.

Дарвозадап ичкарига кирди ношиб,  
Бир уйдан сўнг иккинчига ўтди ошиб.  
Гаплашишга бирор кимса топа олмай,  
Сўнг тўрдаги уйга кирди эшик очиб.

Икки сулув қиз ўтирар тўри уйда.  
Бундай сулув туғилмаган бутун элда.  
Иккаласи сатранж ўйнаб, билмай қолди,  
Азим кириб тура қолди ўрта ерда.

Бош кўтариб иккала қиз буни кўрди,  
Лол бўлишиб, тонг қолишиб ҳолин сўрди:  
— Яхши одам боласига ўхшайсан-ку,  
Нега чолнинг жодусига ўзни урдинг?!

Сўз бошладди Азим, қизлар бергач сўроқ:  
— Мен бир ғариб, бечораман юрган саёқ.  
Аввалида бошдан ўтган воқеани  
Айтиб берди битта қўймай бошдан-аёқ.

Қизлар тинглаб турди, бериб зўр эътибор,  
Билишдилар Азимга эл қайси дийр.  
Раҳм қилиб дейишдилар: «Жигар бўлгин,—  
Бор иложни қилғусимиз, бизлар тайёр!»

— Хўп, майлига, ундай бўлса, опаларим!  
Тортмоқдаман бу дунёнинг жафоларин.  
Соғинганда ўа элимга юборгайми,  
Сўрасангиз, марҳаматли оталаринг?

— Кўнгилни тўқ тут, совутма асло биздан.  
Худо ҳаққи ваъда бердик дилимиздан.  
Хоҳлаганча тургин бизнинг қошимизда,  
Кетар бўлсанг — бу иш бизнинг қўлимизда!

Ёр тутмаймиз сени жигарпора дедик,  
Дўст йўлида сенга чиндан меҳр қўйдик,  
Бир умрга бизнинг билан қолмасанг ҳам,  
Кетар бўлсанг у ёғни ҳам тамин едик.

«Хўп бўлади» дейишди-ю, шарт боғлашди,  
Дўстлик ипин боғлаш учун ўртоқлашди.  
Учаласи нурдайн оқ кўнгил билан.  
Ваъдалашиб жигарларча қучоқлашди.

Ўхшаша йўқ бу саройда яшаб хушвақт,  
Бахти кулиб, Азим топди кучу қувват.  
Қизлар депти «истаганча ўйнаб-кулгин,  
Бироқ анов уйгагина кирма фақат».

Қизлар кетиб, бир кунг у қолди ёлғиз,  
Солмаганди қизлар дилга шубҳали из,  
Ёш эмасми, туш пайтида ман этилган  
Уйга кирди, дейилса ҳам кирма ҳаргина.

Кирса нарёқ бир боғдирки, пуркарди ис,  
Ўртасида ялтирайди мармар ҳовуз.

Мевазорки, булоқлари ерга тегар,  
Булбул сайрар, таърифига тил ҳам ожиз.

Боқса гўё марваридлар тўлиб турган,  
Парвопаси бўлиб қолар бунн кўрган.  
Азим ботир тўёлмасдан қараб турса,  
Қушлар кўниб, дов-дарахтлар қарсак урган.

*(Достон битмай қолган).*

1887.



# Мундарижа

## Шеър ва поэмалар

- 3 **Ўлан.**  
МИРТЕМИР таржимаси
- 6 «Гўдак учун бешиги — каттакон олам..»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 7 **Бургутчи.**  
УЙГУН таржимаси
- 10 «Ярқироқ оқ кумушдай...»  
УЙГУН таржимаси
- 12 «Ешликда билим излаб...»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 13 «Қаридик, гамга ботдик...»  
УЙГУН таржимаси
- 15 «Қаридик, гам битмай, кўнайди армон»  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 17 «Бойлар юрар...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 18 «Кўнглим қолди дўстдан-да...»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 20 «Адашганинг олди — жўн...»  
ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 22 «Бўз болалик чишакам гўзал даврон...»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 24 «Пигитлар, ўйин арзон...»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 28 «Бозорга қараб турсам, ҳар ким борар...»  
УЙГУН таржимаси
- 29 «Илм тонмай мақтама...»  
УЙГУН таржимаси

- 32 «Сабрисиз, орсиз эринчак...»  
СУЛТОН АКВАРИЙ таржимаси
- 35 **Куз**  
МИРТЕМИР таржимаси
- 36 «Ез кетди, қишининг боши...»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 38 **Қиш**  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 40 «Вафот этса яқин дуст, гамли инсон...»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 42 **Кўламбойга**  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 43 «Қалбингда ўтинг бўлса...»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 45 «Мен ўланни ёзмойман эрмак учун...»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 47 «Аввалдан бир совуқ муз — ақл зийрак...»  
УЙҒУН таржимаси
- 48 **Йигит сўзи.**  
УЙҒУН таржимаси
- 50 **Қиз сўзи.**  
УЙҒУН таржимаси
- 52 «Нақ билакдай сочи унинг...»  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 53 «Эм тополмай...»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 55 «Ўзгага кўнглим тўярсан...»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 57 «Ошга, тўйига бораркан...»  
СУЛТОН АКВАРИЙ таржимаси
- 59 «Ёшлик ўти ёлқинланиб...»  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 61 **Кўклам.**  
МИРТЕМИР таржимаси

- 63 «Кўзимнинг қораси...»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 66 «Юрак, тепма, тепган билан...»  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 67 «Хўп, ишонай, унайин...»  
РАЗЗОҚ АБДУРАШИДОВ таржимаси
- 69 «Етиб қолди куз фасли ҳам...»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 70 «Баъзи ўсмир замондошлар...»  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 71 «Севги тили — сўзсиз тил»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 72 Абдурахмон хасталаниб ётганда  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 75 «Талай сўз бундан бурун кўп айтганман»  
УЙҒУН таржимаси
- 76 «Оч киши юпанурми»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 78 «Ешлик ўтди, билдингми?»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 79 «Кўланка бўйи узайтиб...»  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржима
- 80 «Табиат ўлар балки...»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 81 «Молга дўстнинг дўсти йўқ...»  
УЙҒУН таржимаси
- 82 «Туққан ота-она йўқ...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 83 «Гоҳ бетоқат кутасан...»  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 84 «Бир гўзал қиз бўлибди хон қулида...»  
УЙҒУН таржимаси
- 86 «Кўк ола булут...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси

- 87 **Хотини билан Масақбой.**  
ЖУМАНЦЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 89 **«Кўк тумандир...»**  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 91 **«Кимдир сени кўпик сочиб кўп мақтади»**  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 92 **«Тану жонга тарқалар...»**  
МИРТЕМИР таржимаси
- 94 **«Мен нома ёзаман...»**  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 95 **«Еленз тунда ёруг ой...»**  
УЙҒУН таржимаси
- 96 **«Қуввати ўтдай бурқираб...»**  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 97 **«Шум дунё тўнаб ётир...»**  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 98 **«Номим одам бўлган сўнг»**  
МИРТЕМИР таржимаси
- 99 **«Мен кўрдим узун қайини қулаганини..»**  
УЙҒУН таржимаси
- 100 **«Кун ортидан кун тугар»**  
С. ХУДОЙБЕРГАНОВ таржимаси
- 101 **«Хаста юрак тенди аста-секки»**  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 102 **Юрагим менинг қирқ ямоқ...»**  
РАЗЗОҚ АБДУРАШИДОВ таржимаси
- 103 **«Нурли осмонга интилиб ўсгансан сен»**  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 104 **«Юрагим, сени сезасан...»**  
УЙҒУН таржимаси
- 106 **«Қуёшни вақт итариб...»**  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 107 **«Уйламан» дегани кўнгил учун...»**  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси

- 108 «Барги сўлиб қолган...»  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 109 «Юрак — денгиз...»  
РАЗЗОҚ АБДУРАШИДОВ таржимаси
- 110 «Жим-жим кўнглим, жим кўнглим...»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 112 «Ярқ этмас, қаро кўнглим...»  
УЙҒУН таржимаси
- 113 «Тулпордан...»  
УЙҒУН таржимаси
- 114 «Тойга миндик...»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 116 «Ўз айбимга кўз солиб...»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 
- 118 Маъсуд. Поэма.  
УЙҒУН таржимаси
- 123 Исқандар. Поэма.  
МИРТЕМИРШИНГ эркин таржимаси
- 128 Азим қиссаси.  
ҲАКИМ ХУЖАЕВ таржимаси

*На узбекском языке*

**АБАЙ**

**СТИХИ**

**Редактор**

**МИРТЕМИР**

**Риссам**

**Э. ИСҲОҚОВ**

**Расмлар редактор**

**Г. ФРОЛОВ**

**Техн. редактор**

**М. МИРҚОСИМОВ**

**Корректор**

**Ш. ЗУҲРИДДИНОВ**

● ● ●

БОСМАХОНАГА БЕРИЛДИ 29/IV 1970 й.  
БОСИШГА РУХСАТ ЭТИЛДИ 25/VI 1970 й.  
ФОРМАТИ 70×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>  
БОСМА Л. 4,75.  
ШАРТЛИ БОСМА Л. 5,56  
НАШР Л. 3,32.  
ТИРАЖИ 10000.  
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЕТИ.  
ТОШКЕНТ, НАВОИЙ ҚўЧАСИ, 30.  
ШАРТНОМА № 40—70.

ЎЗБЕКИСТОН ССР  
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ  
МАТЕБУОТ ДАВЛАТ  
КОМИТЕТИНИНГ  
ПОЛИГРАФКОМБИНАТИДА  
№ 1 ҚОҒОЗГА БОСИЛДИ.  
ТОШКЕНТ,  
НАВОИЙ ҚўЧАСИ, 30.  
1970 йил. ЗАКАЗ № 300. БАҲОСИ 73 т.

Абай

Шеърлар ва поэмалар. Т., Гафур Ғулом номидаги  
адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.  
152-бет.

Абай. Стихи.

С (Қоа.)

Индекс 7-4-3.